

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“МИЛЛИЙ ҒОЯ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ  
АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2018**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг **2018 йил 27 мартдаги 247-сонли** буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** профессор И.Эргашев

**Такризчилар:** проф. Саифназаров И.  
с.ф.д. Назаров Н.

*Ўқув-услубий мажмуа ЎзМУ кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	15
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	19
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ .....	108
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	110
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	113
VII. ГЛОССАРИЙ .....	114
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: .....	119



## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. **“Миллий ғоя шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари”** модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

**“Миллий ғоя шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари”** модули ўқитишда маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар Ўзбекистон жамияти ривож тарихида миллий ғоянинг шаклланиш босқичлари, унинг ўзига хос хусусиятлари, мураккабликлари ва муаммолари, миллий ғоянинг халқлар хаётида, оғзаки

ижодида, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаёти билан боғлиқ давр ва замон ўзгаришларидан, унга тегишли манбалар, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳақида билим ва кўникмага эга бўладилар. Халқларнинг мақсад ва манфаатлари, орзу умидлари, уни ифода этган ғоялар билан танишадилар.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Миллий ғоя шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари” модули ўқитишдан мақсад:** олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари билан Миллий ғоянинг шаклланиш негизлари, тарихи ва ривожланиш босқичларини ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, Ўзбекистон ижтимоий ҳаёт соҳаси асосларининг ўзгариши ва мустабид мафкура ҳукмронлиги оқибатларини бартараф этиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашувлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида мўлжалланган мақсад ва режаларни амалга ошириш, йўл харитаси дастурлари билан таништиришдан иборат. Шунингдек, миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини мустақиллик – миллий ғоянинг ривожланишида янги босқич эканлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Қарорларини мазмун ва моҳияти билан таништиришдан иборат.

### **Модулнинг вазифалари:**

- Миллий ғоя аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган турли халқлар мақсадлари ва орзу умидларини шаклланиши, унинг ўзгариш босқичларини давр ва замон янгиланишлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш ва унинг асосий босқичларини кўрсатиш, ўзига хос жиҳатларига эътибор бериш;

- Мустақиллик миллий ғоя ривожидан янги босқични бошлаб берганлиги ва уни таълим тизимига жорий этилиши миллий ғоянинг консепцияси, асосий тушунча ва томйилларининг ишлиб чиқилиши ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

- Миллий ғоянинг шаклланиш негизлари, тарихи ва ривожланишини ғоявий асосларини педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- Ўзбекистон ижтимоий ҳаёт соҳаси асосларининг ўзгариши ва мустабид мафкура ҳукмронлиги оқибатларини бартараф этилиши

- Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг миллий ғоя мақсадлари билан муштараклиги

- Ватанга даҳлдорлик ҳисси, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва тинчликни мустаҳкамлашда миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши истиқболлари

### **Фан бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Миллий ғоя шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- Миллий ғоянинг шаклланиш негизлари, тарихи ва ривожланиш босқичларининг концептуал ғоявий асосларини;

- Мустақиллик – миллий ғоя ва Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичларини *билиши* керак;

- Ўзбекистон ижтимоий ҳаёт соҳаси асосларининг ўзгариши ва мустабид мафкура ҳукмронлиги оқибатларини бартараф этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг миллий ғоя мақсадлари билан муштараклиги *кўникма ва малакаларига* эга бўлиши зарур;

- Ватанга даҳлдорлик ҳисси. Уни диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва тинчликни мустаҳкамлашда миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши истиқболларини қўллаш компетенцияларни эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Миллий ғоя шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари”** янги модул бўлганлиги туфайли дарс давомида модулни мазмунан бойитиш тингловчилар ўз тажрибалардан ва интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштирмоғи мақсадга мувофиқ.

Курсни ўқитиш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмумотлар билан таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси фанини ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади. Республикамизнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик табал этилади.

#### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

**“Миллий ғоя шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари”** модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (касбий компетентлик ва креативлик, замонавий педагогик технологиялар ва бошқ.), ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртлирида Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ўқитиш самарадорлиги, республикамизда фаннинг ривожланиши, уни ўқитишга оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда амалга ошади.

#### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар дунёда кечаётган мафкуравий жараёнлар, турли хил мафкуравий курашлар, унинг кўринишларидан ҳамда бундай зарарли ғояларни олдини олишда миллий ғоянинг яъни, жамият мафкурасининг зарурлиги, мақсад ва вазифалари



билан танишадилар. Тингловчилар олган билимларини олий таълим тизими орқали таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этадилар.

### “Миллий ғоя шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари”

#### модулининг соатлар бўйича тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим	
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий		қучма
1.	Миллий ғоянинг шаклланиш негизлари, тарихи ва ривожланиш босқичларининг концептуал ғоявий асослари	4	4	2	2		
2.	Мустақиллик – миллий ғоя ва Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичи	4	4	2	2		
3.	Ўзбекистон ижтимоий ҳаёт соҳаси асосларининг ўзгариши ва мустабид мафкура ҳукмронлиги оқибатларини бартараф этилиши	4	4	2	4		
4.	Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг миллий ғоя мақсадлари билан муштараклиги	8	6	2	4		2
5.	Ватанга даҳлдорлик ҳисси, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва тинчликни мустаҳкамлашда миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши истиқболлари	10	8	2	4		2
<b>Жами:</b>		<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>16</b>		<b>4</b>

## **II. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-Мавзу: Миллий ғоянинг шаклланиш негизлари, тарихи ва ривожланиш босқичларининг концептуал ғоявий асослари**

Миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини аждодлар ва авлодлар ҳаёти тарихи ривожланиши билан боғлиқлиги. Миллий ғояда халқлар мақсад-манфаатлари ва орзу-умидларини акс этиши. Миллий ғоянинг негизлари. Миллий ғоя ривожда акс этган бунёдкор, умуминсоний ғоялар. Миллий ғоя ривожини давр ва замон ўзгаришлари билан алоқадорлиги. Илғор ғоялар ва унинг кўринишлари.

### **2-Мавзу: Мустақиллик – миллий ғоя ва Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичи**

Мустақиллик – миллий ғоя ривожда янги босқич. Унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқилиши. Миллий ғоя Ўзбекистоннинг ривожланиш концепцияси. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов Миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари тўғрисида. Жамият ҳаёти ғоявий асосларини тубдан ўзгариши. Миллий ғоянинг илмий-назарий асосларининг ишлаб чиқилиши ва республика таълим тизимида жорий этилиши.

### **3–Мавзу: Ўзбекистон ижтимоий ҳаёт соҳаси асосларининг ўзгариши ва мустабид мафкура ҳукмронлиги оқибатларини бартараф этилиши**

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги ўзгаришлар. Унинг конституциявий-ҳуқуқий асоси. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Яқка, ҳукмрон мафкурадан воз кечилиши. Миллий ғоя ижтимоий ҳаёт асослари ўзгаришининг янги ғоявий асоси эканлиги ва унинг аҳамияти.

#### **4-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг миллий ғоя мақсадлари билан муштараклиги**

Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ривожланиши мақсадаларини белгилаб олиниши. Демократик ислохатларни изчил давом эттириш, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг ўзаро муштараклиги. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг асосий йўналишлари. Ҳаракатлар стратегияси бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши. Унинг мақсадларини инсон манфаатлари устуворлиги билан ўзаро алоқадорлиги.

#### **5-мавзу. Ватанга даҳлдорлик ҳисси. Уни диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва тинчликни мустаҳкамлашда миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши истикболлари**

Миллий ғояга эҳтиёжни ортиб бориши ва Ватанга даҳлдорлик ҳисси. Миллий ғоя Ватанни севиш учун кераклиги (Ш.Мирзиёев). Глобал ўзгаришлар ва диний бағрикенглик. Ислом дини – маърифат дини эканлиги. Миллатлараро бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик ғоялари. Мустаҳкам тинчлик учун кураш ва Ўзбекистоннинг Мудофаа доктринасининг ишлаб чиқилиши.

### **III. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-Амалий машғулот. Миллий ғоянинг шаклланиш негизлари, тарихи ва ривожланиш босқичларининг концептуал ғоявий асослари**

##### **Режа:**

1. Миллий ғоянинг жамият ривожланиши билан боғлиқлиги, шаклланиши ва ривожланиши босқичлари
2. Миллий ғоянинг негизлари, уларда халқлар мақсад-манфаатлари ва орзу-умидларини акс этиши.
3. Миллий ғоя ривожини давр ва замон ўзгаришлари билан алоқадорлиги. Илғор ғоялар ва унинг кўринишлари.

#### **2-Амалий машғулот. Мустақиллик – миллий ғоя ва**

#### **Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичи**

##### **Режа:**

1. Мустақиллик – миллий ғоя ривожда янги босқич. Унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқилиши.
2. Миллий ғоя – Ўзбекистон ривожланиш концепциясининг ғоявий асоси.
3. И.Каримов Миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари тўғрисида. Миллий ғоянинг республика таълим тизимида жорий этилиши.

#### **3-амалий машғулот. Ўзбекистон ижтимоий ҳаёт соҳаси асосларининг ўзгариши ва мустабид мафкура ҳукмронлиги оқибатларини бартараф этилиши**

##### **Режа:**

1. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги ўзгаришлар. Унинг конституциявий-ҳуқуқий асоси.
2. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Якка, ҳукмрон мафкурадан воз кечилиши.

3. Миллий ғоя ижтимоий ҳаёт асослари ўзгаришининг янгича ғоявий асоси эканлиги ва унинг аҳамияти.

**4-амалий машғулот. Ўзбекистон Республикасининг янада  
ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг миллий ғоя  
мақсадлари билан муштараклиги**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларини ғоявий мазмуни ва моҳияти

2. Демократик ислоҳатларни изчил давом эттириш, эркин ва фаровон ҳаёт куришнинг ўзаро муштараклиги.

3. Ҳаракатлар стратегияси бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши. Унинг мақсадларини инсон манфаатлари устуворлиги ғояси билан ўзаро алоқадорлиги.

**5-амалий машғулот. Ватанга даҳлдорлик ҳисси. Уни диний  
бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва тинчликни мустаҳкамлашда  
миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши истиқболлари**

**Режа:**

1. Миллий ғояга эҳтиёжни ортиб бориши ва Ватанга даҳлдорлик ҳисси.

2. Ш.Мирзиёев Миллий ғоя Ватанни севиш учун кераклиги тўғрисида.

3. Мустаҳкам тинчлик учун кураш ва Ўзбекистоннинг Мудофаа доктринасининг ишлаб чиқилиши.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий ҳужум, бумеранг, SWAT-таҳлил) усул ва технологиялардан фойдаланилади.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

## ЖОРИЙ НАЗОРАТ (АССИСМЕНТ)НИ

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат (ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратирлан максимал балл-**0,8 балл**.

### БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	Ўқув-топширик турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш				
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш				
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш				

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### Машғулотда жараёнида қўлланиладиган «Ақлий ҳужум» усули

<b>Ақлий ҳужум</b>	-(брейнсторминг – мия бурони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш
<b>Усулни асосий ғояси</b>	-ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг хатти-харакати учун бу ғоя асосий кўрсаткич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф қилишга ундайди.
<b>Қоидалари</b>	Имкони борича кўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
<b>Таълим берувчи</b>	Қатнашчиларни 3-4 гуруҳга бўлади ва ҳар бирига муаммолар таклиф этади ( <b>Илова 1</b> ) -Иштирокчиларни қўллаб-қувватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ха-йўқ сўзлари билан); -юмшоқ, аммо астойдил тингловчиларни бошқаларни танқид қилишдан қайтариб туради; -ҳар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди; -тингловчиларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тускинликни йукотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан қутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказди (блиц сўров) ( <b>Илова 2</b> ).
<b>Фидбэйк</b>	-ҳар бир ғояни муҳокама қилиш; -энг тўғри ғояларни қўллаб-қувватлаш

## **Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари**

### **Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:**

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

### **Ақлий ҳужум қоидалари:**

- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур;
- таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қилади, синтез қилади, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “ иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қилади” деган қоида-сига амал қилиш.

### **Натижа:**

- тингловчилар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир тингловчи фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шаклланади.



## 1. Ўқув топшириқларини бажариш бўйича вазифалар

Гуруҳни 3 та кичик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳ учун 5 тадан савол тарқатма материал сифатида тарқатилади.

Изоҳ: Қайсидир гуруҳ тўла аниқ жавобни биринчи бўлиб топса гуруҳни ҳар бир аъзосига 1.0 баллдан баҳо қўйилади. Агарда гуруҳдан 1 ёки 2та тингловчи тўғри жавоб топса у холда уларга 1.0. баллдан рағбатлантирилади.

### Мавзу бўйича 1-гуруҳга саволлар:

1. Миллий ғоя тушунчасининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
2. Миллий ғоя қандай негизларга таянади?
3. Миллий ғоянинг озуқа мезони нима?
4. Мустақиллик ва миллий ғоя эҳтиёжнинг зарурлиги нимада?
5. Давлат мафкурасининг чекланганлиги ва салбий оқибатлари нималардан иборат?
6. Миллий ғояни тарихий хотира, миллий маънавий мерос билан алоқадорлиги.
7. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида сиёсий институтлар хилма-хиллиги
8. Мафкуралар хилма-хиллиги ижтимоий ҳаёт асоси
9. Фикрлар хилма-хиллигини миллий ғоя билан алоқадорлиги
10. Ҳаракатлар стратегияси тушунчаси мазмун-моҳияти
11. Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият ривожининг янада такомиллаштириш вазифалари
12. Давлат ҳокимиятини демократлаштиришнинг ғоявий асослари
13. Парламент ва сайлов қонунчилигида инсон манфаатларининг акс этиши.
14. Ватанга даҳлдорлик ҳисси мазмун-моҳияти
15. Миллий ғоя – Ватанга даҳлдорлик ҳиссини амалга оширишнинг муҳим омили
16. Динлар аро бағрикенглик ғояси ва унинг аҳамияти
17. Диний мутаассибликнинг зарарли оқибатлари

## Мавзу бўйича 2-гуруҳга саволлар:

1. Миллий ғоянинг шаклланиши ва унга бўлган эҳтиёж нимадан иборат?
2. Миллий ғоя мақсадалирини халқларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан алоқадорликлари қандай?
3. Халқ оғзаки ижодида инсонпарварлик ғоялари нималардан иборат?
4. Мустақиллик даврида миллий ғоя концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унинг аҳамияти.
5. Миллий ғоянинг ижитмий мақоми.
6. Миллий ғоя Ўзбекистон жамиятининг мафқураси эканлиги.
7. Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаётида эришилган ютуқлар.
8. Якка, ҳукмрон мафқурадан воз кечилиш сабаблари
9. Якка, ҳукмрон мафқуранинг инсон эркинлиги ва ҳуқуқ ва манфаатларига зидлиги
10. Ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги.
11. Қонун устуворлиги ғоясининг мазмун-моҳияти
12. Суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши
13. Иқтисодий ривожланиш ва халқ фаровонлиги ғояси
14. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг инсонпарварлик мақсадлари
15. Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олишда илм-фаннинг ўрни
16. Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик ғояларининг кўринишлари
17. Миллий ғоя Ватанни севиш демакдир ғоясининг мазмун моҳияти
18. Мустаҳкам тинчликни ўрнатиш шарт-шароитлари ва омиллари

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-мавзу: Миллий ғоянинг шаклланиш негизлари, тарихи ва ривожланиш босқичларининг концептуал ғоявий асослари**

#### **РЕЖА:**

1.1. Миллий ғоянинг жамият ривожланиши билан боғлиқлиги, шаклланиши ва ривожланиши босқичлари.

1.2. Миллий ғоянинг негизлари, уларда халқлар мақсад-манфаатлари ва орзу-умидларини акс этиши.

1.3. Миллий ғоя ривожини давр ва замон ўзгаришлари билан алоқадорлиги. Илгор ғоялар ва унинг кўринишлари.

**Таянч иборалар:** «Эзгу, бунёдкор ғоя ва мафкура», «мафкура», «соғлом ва носоғлом, эзгу ҳамда ёвуз, бунёдкор ёки бузгунчи ғоялар», «Илмий ғоялар; фалсафий ғоялар; диний ғоялар; бадиий ғоялар; ижтимоий – сиёсий ғоялар; миллий ғоялар; умуминсоний ғоялар», «дунёвийлик», «дахрийлик сиёсати», «Мафкура яккаҳокимлиги», “ғоявий бўшлиқ”, “ғоявий заифлик”, “ғоявий зиддиятлар”, “ғоявий мутаасиблик”, “ғоявий парокандалик”.

**1.1. Миллий ғоянинг жамият ривожланиши билан боғлиқлиги, шаклланиши ва ривожланиши босқичлари.**

Ватанимиз мустақиллигининг миллий-маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маънавий мерос, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланган ҳолда келгуси, замонавий бахтли ҳаётимизни ташкил этишда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва инфор­мацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳлика­ли даврда миллий ғояларимизнинг тарихий асосларини чуқур ўрганишни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда улардан оқилона фойдаланиш. Улар асосида, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш, буюклардан мерос бу Ватанни асраб-авайлаш, унинг буюк келажagini ташкил этиш каби муқаддас туйғуларни шакллантириш мазкур фан шаклланишининг асосий мақсад-йўналишларидан биридир.

Маълумки, ҳар қандай ғоя ва мафкура муайян ижтимоий-тарихий негизларга асосланганда ўз мақсадлари атрофида одамларни уюштиради ва ҳаётда амалга ошади.

“Биз, – деб таъкидлайди Биринчи Президентимиз Исло­м Каримов “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” маърузасида, - ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларга эришишда, барқарорликни таъминлаш ва мамлакатни янгилашга қаратилган кенг кўламли ислохотларни жорий этишда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз барчамизга яхши маълум”.

Шу муносабат билан мамлакатимизнинг тарихан қисқа вақт ичида улкан ютуқларга эришишида улкан аҳамиятга эга бўлган миллий ғоянинг шаклланишида тарихий мероснинг ўрни беқиёс.

Биринчи Президентимиз Исло­м Каримовнинг тарихий мероснинг аҳамияти ҳақидаги таърифи қуйидаги ибратли фикрлари масаланинг моҳиятини янада ойдинлаштиради:

“Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бутун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат,

сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин...”<sup>1</sup>

Қадимий қулёмалар, битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари, улуғ шоир ва мутафаккирларимиз яратган дунёвий ва бадий асарлар, Қуръони Карим, Ҳадислар, Аҳмад Яссавий ва Боқирғонийлар яратган диний-ахлоқий руҳдаги асарлар, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиблар яратган панд-насихат туридаги асарлар, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий яратган инсон ички дунёси, руҳиятига қаратилган таълимотлар, Навоийнинг ўлмас бадий ижод хазинаси ва бошқалар бизнинг бой тарихий маънавий меросимиз ҳисобланади.

Улар инсон ички дунёсини, руҳиятини, инчунун бутун маънавиятининг сайқал топишига қаратилган. Уларда инсонлар маърифатга, илм олишга, юксак ахлоқ-одобга, олийжаноб фазилатлар, яхшиликка даъват этиб, кишиларни маънан тарбиялайди. Тарихий меросдан фойдаланиш ёшларимизнинг фикрини ўстириш, онги шаклланиши, дунёқарашини кенгайтириши натижаси ўлароқ халқ ундан катта куч-қувват олади. Лекин мамлакатимизнинг узоқ ва яқин ўтмишидаги босқинчилар ҳукмронлиги зулми остида бўлганида, айниқса, сўнгги мустамлакачилик йилларида маънавий-тарихий меросимизга синфий нуқтаи-назардан ёндашиш оқибатида миллий қадриятимиз ва урф-одатларимиз, анъаналаримиз қораланди, танқид остида олинди, кўпгина тарихий ёдгорликлар бузилди, қаровсиз қолди. Китоб ва қулёмалар эътиборсиз қолдирилди, уларни ўрганиш ва сақлаш ман этилди. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” рисоласида таъкидлаганидек: “... шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича

---

<sup>1</sup>Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т, “Шарқ”, 1998, 2 бет

йироқ сақланарди”. Ана шундай машъум сиёсат туфайли Ватанимизнинг ва халқимизнинг маънавий-ахлоқий юксалишимизга кўмаклашадиган тарихий меросимиздан фойдаланиш имконияти деярли йўқ эди<sup>2</sup>.

Фақат мустақиллик йилларида ўтмишда топталган, таҳқирланган тарихий меросимизга муносабат тубдан ўзгарди ҳамда улардан халқимизнинг маънавий ва маърифий юксалиши учун имкониятлари ҳам кенгайди. Бугунги кунда Республикамизда бу йўналишда кенг кўламли тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилмоқда.

И.Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (1992) асарида Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизига асосланади, - деб кўрсатар экан, унинг биттаси халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш деб алоҳида таъкидлаган эди.<sup>3</sup>

“Ўзбекистон саёхатчиликни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Қарши каби тарихий обида шаҳарлар бутун дунёга машҳур. Республика ҳудудида тўрт мингдан ортиқ меъморий ёдгорликлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги ЮНЕСКО муҳофазасига олинган....”.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал – Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб аجدодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши - ёш авлодни тарбияладиган қадриятларга айланмоғи лозим. Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий

---

<sup>2</sup>Қаранг: С.Отамуродов, С.Хусанов, Ж.Раматов Маънавият асослари. Тошкент – 2002, 141-147 бетлар

<sup>3</sup>Каримов И. А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т, “Ўзбекистон”, 1993, 74 - бет

эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих ва тарихий кадриятлар билан шуғулланувчи барча кишилар учун зиёратгоҳга айланган.

Буларнинг ҳар бири миллий ғоямизнинг моддий ва маънавий негизлари ҳисобланади. Миллий ғоя айнан ана шулардан озуқа олади ва шаклланиб, ривожланиб боради. Миллий ғоя унинг шаклланиш жараёни қандай ҳолатда намоён бўлади деган савол туғилиши табиий. Қайси жамият ўз йўлини тўғри танлаб олиб, буюк мақсадларни кўзлаб тараққий этишни хоҳласа. Миллий ғоядан кўзланган мақсад умумманфаат йўлида хизмат қилишини англаб етсагина, миллий ғоя умуммақсад сифатида намоён бўлади. Тараққиётнинг асосий тамойили сифатида жамият миллий ғоя атрофида бирлашади ва бу ўз-ўзидан миллий ғоянинг шаклланишига хизмат қилади.

Бизда ана шундай шаклланиш жараёни мустақиллик қўлга киритилгандан кейин юз берди деб айтиш мумкин.

Ғоялар – инсон тафаккури маҳсули сифатида ижтимоий характерга эга бўлиб, инсон руҳиятига таъсир этувчи, инсон ва жамиятни муайян ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикрлардир. Аммо ҳар қандай фикр ва қараш ҳам ғоя бўла олмайди. Ғоялар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон ва жамият руҳиятига, одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга эга бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Мазмун ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин. Улар: илмий ғоялар, фалсафий ғоялар, диний ғоялар, бадиий ғоялар, ижтимоий-сиёсий ғоялар, миллий ғоялар, умуминсоний ғоялар ва ҳоказо.

Ғоялар қайси тарихий даврларда қандай хусусият, қандай таркибга бўлинишидан қатъий назар уларнинг мақсадида ижтимоий фаолият мавжуд бўлиб улар кишиларни етакловчи, сафарбар этувчи характерга эга.

Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари, мазмун-моҳиятини, азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш

диалектикаси белгилаб келади. Яъни босқинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажавузкорлик, ақидапарастлик мафкураларига қарама-қарши ўлароқ, озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз майдонга чиқиб, халқларнинг музаффар байроғига айланган.

Ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама қаршилиқлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Шуни унутмаслик керакки, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар талайгина. Гегемонизм, тајовузкор миллатчилик ва шовинизм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир.

Йигирманчи аср сўнгида рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди. Инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил ғоялар билан қуролланган, турли манбалардан озиқланадиган мафкураларнинг асосий мақсадига айланмоқда.

Миллий истиқлол мафкураси мамлакатимиз аҳолисининг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассамлаштириб, жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равшан акс эттирмоғи зарур. Токи ҳар бир ватандошимиз биз қандай жамият, қандай давлат, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий асослари нималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олсин.

И.Каримов ”Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” китобида бу масалаларни чуқур, илмий асосда, атрофлича ёритиб берган.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз – бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун, мииллати, тили ва динидан қатъий назар, муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби



кафолатланлаган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Тарихий қонуният шундан далолат берадики, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида, жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари, ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муаян муаммоларни ҳал қилиш зарурати юзага келади.

Бундай муаммоларни ҳал этишда улкан имкониятларни ўз ичида акс эттирган “Тараққиётнинг ўзбек модели”нинг беш тамойили халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, қадриятлари ва менталдигарига таянгани, айни пайтда, жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асосланганлиги билан бизнинг келгуси тараққиётимизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифолайдиган, унинг ўтмиши ва келажagini бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларни амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

У ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганлигини белгилайдиган маънавий мезондир.

Бу – Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг “Ватаним менга нима” берди деб эмас, балки “Мен Ватаним равнақи учун нима қиляпман” деган масъулият туйғуси билан яшашди демакдир.

Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онгига сингдириш Ўзбекистон Мустақил тараққиёт стратегиясини, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтириш долзарб вазифалардан биридир.

Истиқлол мафкурасини одамлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва

ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

## **1.2. Миллий ғоянинг негизлари, уларда халқлар мақсад-манфаатлари ва орзу-умидларини акс этиши.**

Ўзбекистон жамияти ҳаёт соҳалари миллий ғоя негизларига таянган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан ёндашганда банк тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқарувни амалга оширишда миллий ғоя негизи – миллий мерос, қадриятларга таяниш муҳим аҳамиятга эга.

Инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўзгаришларни амалга оширилишида муайян ғоялар алоҳида ўрин тутди. Жамият тараққиётининг маълум даврларда тезлашуви ёки секинлашуви, жамият ҳаётида ижобий ёки салбий ҳолатларнинг рўй бериши жамиятда қандай ғоялар ҳукмронлик қилиши, улар қандай кучларни ҳаракатга келтириши кимларнинг яъни қайси бир ижтимоий қатламнинг манфаатларига хизмат қилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Инсон ўзининг ақл – заковати, иймон – эътиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жонзотлардан фарқ қилади.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Демак, биринчидан, ғоя инсон тафаккурининг маҳсулидир.

Иккинчидан, ғоя олдин мавжуд бўлмаган ўзида янгиликни ташувчи фикрдир.

Учинчидан, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади.

Илмий-фалсафий адабиётларда «ғоя», «мафкура», «идея» ва «идеология» тушунчалари ишлатилмоқда. “Идея” ва “идеология” кўпроқ Ғарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. “Идея” ибораси юнон тилидаги *idea* сўзидан олинган, идеология учун ўзак бўлиб ҳисобланади ва тушунча ёхуд фикр маъносини англатади. Идеология (*idea*-ғоя. Тушунча, *logos* – таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади.

- ғояларнинг мазмуни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа ҳисобланади;

- муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

Ҳаёт мавжуд экан, жамият, давлат бор экан, ҳар қайси миллат, ҳар қандай халқ ўз йўлини, мақсадини, лўнда қилиб айтганда, ўзининг миллий ғоясини, миллий мафкурасини аниқлаб олишга ҳаракат қилади. Ҳаёт таракқий этган сари бундай масалалар янада бойиб, янада такомиллашиб бораверади. Шу маънода, бу борада турлича қарашлар, муҳокамалар бўлишини табиий ҳол сифатида қабул қилиш керак. миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.<sup>4</sup>

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётимзда “ғоя”, “ғоявий бўшлиқ”, “ғоявий заифлик”, “ғоявий зиддиятлар”, “ғоявий матаасиблик”, “ғоявий парокандалик”, “ғоявий саводсизлик”, “ғоявий тажовуз” “ғоявий қарама-қаршилиқ” тушунчаларикўплаб ишлатилиб келинмоқда. Ушбу тушунчаларнинг ижтимоий маҳиятини очиш ва аниқлаш учун юқоридаги тушунчаларни ҳар бирини қиёсий таҳлил усул асосида ўрганиш лозим.

Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли теран фикр тушунчалари. Албатта, ғоялар инсон онгини маҳсули ва фикрлар ёрдамида ифода этилади. Аммо ҳар қандай фикр ва қарашлар ам ғоя бўла олмайди ғоялар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон ва жамият руҳиятига, ҳатто, ғайри шуурий қарашларга ҳам сингиб боради.

Соғлом ва носоғлом, эзгу ҳамда ёвуз, бунёдкор ёки бузғунчи ғоялар

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. - 462 бет

бўлиши мумкин. Ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи яна шундаки, булар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, кенг жамоатчиликнинг мақсадларини ифода этади. Уларнинг ишончи ва эътиқодига айланиб, эътироф этилганлигини билдиради, инсон (ва жамият) руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Ғоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий – ақлий кучга айланади. Уларни муайян мақсадга йўналтиради, сафарбар этади. Уларни жипслаштиради, ҳамжихат ва ҳамкорликка ундайди.

Мафкура тушунчаси (арабча «мафкура» фикрлар мажмуи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) деган маънони англатади. Мафкура тушунчасини таърифлашда фалсафий адабиётлар ва луғатларда бир қанча фикрлар берилади. Демак, Мафкура (арабча- фикрлар мажмуи-муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими тушунилади. Инсоният тарихида турли туман мафкуралар бўлган. Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари мутафаккир ва арбоблари, ўзларининг манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб, мафкуравий таъминот ва дастурлар ишлаб чиққанлар. Мафкура тушунчасига турли даврларда файласуф олимлар томонидан берилган таърифлар шакл ва мазмун жиҳатидан ҳар хил. Мафкурага жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуидир, - деб таъриф берилади. Уларнинг барчасида жамиятдаги муайян сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, илмий қарашлар, фикрлар, ғоялар мажмуи сифатида асослаб берилади. Демак, мафкура - муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг, жамиятнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий ривожланиш принципларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва

воситалари тизимидир. Унда манфаатлари ифодаланган куч ва катламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

Ҳар қандай назария ёки таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Шу сабабли дунёқарашнинг негизини ва муайян ишонч эътиқоднинг асосини ҳам ғоялар ташкил этади.

Одамлар, ижтимоий синф ва катламларнинг миллат ва давлатларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади. Ўз олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиятнинг миллий мафкурасининг асосини ташкил этади<sup>1</sup>.

«Ғоя» ва «мафкура» тушунчалари бир-бирига яқин бўлсада, уларни айнанлаштирмаслик керак. Нима сабабдан?

Биринчидан, мафкура ғояга нисабатан мазмунан кенгроқ тушунчадир.

Иккинчидан, ҳар қандай мафкурада ижтимоий воқеликни сақлаб қолиш ёки ўзгартиришга қаратилганлик, яъни мақсадлар ботиний эмас, балки зоҳирий таркибда мавжуд бўлишини ва мафкуранинг ўзагини ташкил этишини таъкидлаш, жоиз.

Учинчидан, ҳар қандай ижтимоий ғоя фақат маълум бир мафкуравий қарашлар доирасидагина ўзининг уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятини, жозибадорлик кучини намоён қила олиши мумкин.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси жамиятни жипслаштиришга, буюк келажак йўлида ҳамжихатлик билан ҳаракат қилишга, барпо этилаётган эркин фуқаролик жамиятида ҳар бир юртдошимизнинг ўзига хос ўрни бўлишига эришишга сафарбар этади.

Президент Ислам Каримов жамият мафкурасига шундай таъриф берган: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажagini кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ - равшан белгилаб беришга хизмат

---

<sup>1</sup> Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент. «Янги аср авлоди». 2001. 31-б.  
Қаранг: Фалсафа. Қомусий луғат (Тузувчи ва маъсул муҳаррир. Қ.Назаров) Тошкент. 2004. 244 бет.

қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафқураси деб биламан»<sup>2</sup> Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни- халқ, миллатни- миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ- равшан чароғон этадиган маёқдир.

### **1.3. Миллий ғоя ривожини давр ва замон ўзгаришлари билан алоқадорлиги. Илғор ғоялар ва унинг кўринишлари.**

Инсоният тарихида турли шаклдаги жуда кўплаб мафкуралар яратилган, хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар, ўз ғоялари ва таълимотлари орқали, мақсад ва ниятларига етишмоқ учун интилган. Мафкуралар моҳиятига кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади.

Турли-туман ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишда сиёсий ғоялар билан бирга, диний оқимлар ва илм-фан ютуқларига таяниши, улардан назарий асос сифатида фойдаланиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, мафкура муайян диний, фалсафий таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мафкура муайян диний, фалсафий таъминот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. *Мафкуранинг фалсафий илдизлари* деганда, унинг фалсафа илми хулосаларига асосланиши назарда тутилади. Бунда ҳар бир халқнинг ўзига хос фалсафий мероси, қарашлари, ғоялари уларнинг мақсадларида ўзининг ифодасини топади. Шарқ ва ғарб фалсафаси бунга ёрқин мисолдир. Масалан, мазкур мафкуралар Рим империяси парчалангандан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган халқларнинг ўзига хос қадриятлари ва менталитети заминида вужудга келган миллий фалсафалар асосида шаклланди. Шу боис ўша даврдаги италян, инглиз, француз, немис фалсафаси ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, бу миллий

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: «Ўзбекистон», 1998, 11- бет

мактаблар заминида вужудга келган фалсафий таълимотлар, маърифий карашлар инсоният маданияти хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди. Жумладан, ҳақиқий миллий хусусиятларга эга бўлган Гегель фалсафаси Австрия – Венгрия империясидан ажралиб, мустақил йўлни тутган Прусс монархиясининг давлат мафкураси даражасига кўтарилган эди.

*Мафкуранинг дунёвий илдизлари* маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмуидан иборатдир. Умумэътироф этилган принциплар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби ғоялар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Бундай жамиятда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждон эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади. Масалан, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида диндан жамиятни маънавий янгилашда, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Диний кадриятлар тикланди Авесто она тилимизда чоп этилди, ислом динининг муқаддас китоби Қуръон, Ҳадислар, Имом Термизий, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулҳолиқ Гиждувоний, Хўжа Аҳрор Вали юбилейлари ўтказилиб, ёдгорлик мажмуалари тикланди, бой маънавий мероси ўрганилиб, улардан жамиятимиз тараққиёти йўлида кенг фойдаланилмоқда. Ушбу ҳайрли ишлар мамлакатимизда диний мерос ва кадриятлардан оқилона фойдаланилмоқда. Дунёвийлик дегани, большевиклар ва ақидапарастлар айтганидек, динни инкор қилиш ёки «дахрийлик» дегани эмас, балки ундаги ахлоқий ва фалсафий таълимотлардаги эзгу ғоялардан, кадриятлардан ўринли фойдаланиш учун кенг имконият яратишдир.

Бу ҳақда Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «дунёвийлик», айрим ақидапараст кимсаларнинг даъволаридан фарқли ўлароқ, асло

дахрийлик эмас. Биз бундай нотўғри ва ғаразли талқинларга мутлақо қаршимиз»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, яқин ўтмишимизда - дахрийлик сиёсати ҳукмронлик қилган, диний қарашлар ва қоидалар хурофот деб аталган. Диний ақидапарастлар эса дунёвий илмларни дахрийлик, худосизлик деб инсонни эътиқодидан айиришга уринди.

Мафқураинг диний илдиэлари - инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг ғоявий илдиэлари диний таълимотларига бориб тақалиши тушунилади. Яъни, кўпгина мафқураларда Авесто, Веда ва Упанишадлар, Инжил ва Қуръон каби китобларда зикр этилган ээгу ғоялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўрамиз.

Дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини бойитиб борган шароитда таракқиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райҳон Беруний, Имом Ғаззолий ва Абу Наср Форобий сингари буюк заковат соҳиблари ёнма-ён яшаб, фаолият кўрсатган давр ёрқин мисол бўла олади. Илмий кашфиётлар бугунги кунда ҳам мафқура ривожига қатта таъсир ўтказди. Замонавий фан ютуқлари, жумладан, космонавтика, бионика, биофизика, кибернетика ахборотлаштириш соҳасидаги оламшумул янгиликлар, клонлаштириш, инсоннинг ген-насл харитасини аниқлаш каби буюк кашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ўзгартирмоқда.

Шу сабабли ҳам, илм – фан ва маданият борасидаги ютуқлардан оқилона фойдаланиш учун ҳам жамиятга соғлом ғоя, соғлом мафқура керак.

*Мафқуралар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-қарши тарафдорларга бўлиб юбориши давлатнинг жаҳаондаги обрui ёки мавқини ошириши ёки тушуриши халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Бксак мафқуралар, бунёдкор зояларга асосланган мафқуралар*

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т., «Ўзбекистон», 2000, 26 - бет.



*инсоният тараққиётига туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради. Муносабатларни устувор ишларга сарфарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик ҳамкорлик гоёлари асосида шакланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкуралар бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади. Зеро, Бунёдкор гоё - инсонни улуглайдиган, унинг куч-гайрати ва салоҳиятини ошириб халқи, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишига сафарбар этадиган, ўзида тараққиёт, маърифат, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик, поклик каби эзгу ҳис туйғуларнинг уруғини мужассам этадиган гоёдир.*

Инсоният тарихи хилма-хил гоё ва мафкураларнинг вужудга келиши, бир-бири билан муносабатидан иборат узлуксиз жараёндир. Бу жараёнда турли гоёлар у ёки бу кучларга хизмат қилиши, ўзига ишонган кишиларни қандай мақсадлар томон етаклашига қараб бир-биридан фарқланади.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур соҳиблари мислсиз заҳмат чекканини кўрамыз. Суқрот ва Платон, Конфуций ва Зардушт, Амир Темур, Алишер Навоий, Махатма Ганди каби буюк мутафаккирларнинг фаолияти бунинг яққол тасдиғидир.

Уларнинг ҳар бири ўз даврида ўзи мансуб халқни бирлаштирадиган улкан аҳамиятга молик гоёларни яратганлар. Бу гоёларга таяниб бунёдкорлик йўлида, эзгу мақсадларга эришиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилганлар. Бу борада инсониятга эзгулик гоёларини тарғиб қилган Зардушт ҳам, «Ўзини англамоқ буюк саодат» эканлигини англаган Суқрот ҳам, «халқни яққалам қилдим», дея инсонпарварлик, адолат гоёларини куйлаган ва қониқиш ҳиссини туйган Навоий ҳам, Марказлашган давлат тузиб, халқни бирлаштириб, унинг адолат кучига ишончини мустаҳкамлаган Амир Темур ҳам, Ҳиндистон озодлиги йўлига умрини бахшида айлаган маърифат йўли билан голиб чиққан Махатма Ганди ҳам бугунги авлодлар учун ибрат намунаси бўлган улуғ инсонлардир.

Жамиятда эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкураларга бунёдкор ғоялар асос бўлади.

Бунёдкорлик ақл-заковат, қалб бунёдкорлигига айланганда чинакам кадр-қиммат касб этади. Масалан, собиқ шўро даврида инсонлар қалбидаги бунёдкорлик туйғусини сўндирган тузум ўзича кўп ишларни, улкан режаларни амалга ошириш учун уриниб кўрди. Лекин қалб бунёдкорга айланмагани учун қилинган ишларда барака ва самара бўлмади. Қалб бунёдкорлиги эса эътиқод билан, пок ният билан нафақат бугунни ва эртани, балки олис келажакни ўйлаб яратишдир. Одамзодга азалдан ақл-заковат билан қалб бунёдкорлиги хос фазилатдир. Унинг қалби билан қўли бир маромда ишласа, ҳақиқий мўъжизалар бунёд этилади. Неча асрлардан буён дунёни хайратга солиб келётган Миср эҳромлари, Шахрисабздаги Оксарой, Самарқандаги Бибихоним, Регистон майдонидаги мадрасалар мажмуи, Тожмаҳал ёдгорлиги, Эйфель минораси, қанчадан-қанча санъат ва маданият дурдоналари - барчаси ана шундай бунёдкорлик намунасидир. Бундай мўъжизалар бизнинг маданий меросимизда, Хива, Бухородаги бетакрор обидаларимизда, мумтоз санъат асарларимизда юксак ахлоқийликка асосланган урф-одат ва анъаналаримизда ўз аксини топган.

Буюк донишманд бобомиз Баҳоуддин Нақшбанд «Дилинг - Оллоҳда, қўлинг - меҳнатда бўлсин» дея яратувчиликка даъват этганларида, ҳар қандай ишни ақл ва эътиқод билан бажаришни назарда тутганлар. Ушбу шиорда инсон қўнглида Оллоҳга эътиқод қўйиб, ўзи халол меҳнати билан тирикчилик ўтказиш ва илм-хунар ўргатиб Ватанни обод қилишга даъват этилади. Диний ишларни дунёвий ишлар билан боғлаб олиб бориш, дунёвийлик ва диний эътиқоднинг муштараклиги орқали жамиятда барқарорлик, осойишталик ва фаровонликка эришиш мумкинлиги ғояси тарғиб қилинади. Мустақиллик йилларида, Ўзбекистонда - Ислом динининг эзгу ғоялари миллий қадриятларимиз ва турмуш тарзимизга чуқур сингиб бормоқда. Умуман, эътиқодни фаолиятга, фаолиятни эса эътиқодга айлантириш халқимизга хос. Масалан, яхшиликни, яъни оддий инсоний

фаолиятни эътиқод даражасига кўтарганимиз ёки Оллоҳга бўлган ишонч-эътиқодимизни фақат эзгулик йўлида хизмат қилдиришни анъанага айлантирганимиз (яъни, динни ниқоб қилиб мутаассибликка, жаҳолатга, бузғунчиликка берилмаганимиз) - бунинг тасдиғидир.

Бунёдкор ғоялар билан қуролланган кишилар фаровон ҳаёт, эркин жамият қуриш учун кураш олиб борганлиги тарихдан маълум. Бундай жараён ижобий ғояларнинг туғилишига, улар эса ўз навбатида элатлар, халқлар, миллатлар манфаатларини ифодаловчи ҳаёт тарзининг шаклланиши учун асос бўлган. Шунингдек, миллий давлатларнинг юзага келишида бу ғоялар етакчи ва йўналтирувчи аҳамият касб этган. Буни биз ўзбек давлатчилиги ғояларининг шаклланиши ва такомили мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Бунёдкорлик ғоялари юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қилишдек олийжаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Улар инсоният цивилизацияга эришган даврлардан буён жамият ҳаётининг энг эзгу ғоялари сифатида яшаб келмоқда. Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбек том маънода бунёдкордир», деган сўзларида ҳам ана шу боқий ғояларнинг маъно-мазмунини ўз ифодасини топган. Бундай бунёдкорлик халқимизга ота-боболаридан меросдир. Инсоният тарихида одамлар онги ва шуурига адолат, ҳақиқат, эзгулик, меҳнатсеварлик каби юксак ғоялар уруғини сепган зот, пайғамбар Зардушт яратган «Авесто» китобидаги юксак ғоялар буюк ватандошимиз Зардуштнинг ўлмас мафкураси эди.

Қарийб уч минг йил муқаддам - маърифат зиёсини жаҳолат булутлари қоплаб олган даврда буюк ватандошимиз Зардушт яккахудолик ва эзгулик ғояларини тарғиб қилишни бошлаган эди. Зардушт таълимотида инсонни эзгуликка даъват этувчи ғоялар марказий ўринни эгаллайди.

Эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги ғоявий кураш зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам баён этилган. Унда ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушлари, жониворларни, ҳайвонларни азоблаш, одамларга адолатсизлик, ёлғончилик, аҳдга вафосизлик, ҳиёнат қилиш

ғоялари қораланиб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этадиган ғоялар улуғланади. Зардуштийлик динида ер, сув, мусаффо ҳаво, она табиат эъзозланади, қуруқ ер очиб, уни боғу-роғга айлантирган одам илоҳиёт раҳматига учрайди, аксинча боғлар, экинзорларни, суғориш иншоатларини бузганлар катта гуноҳга қолади. Зардуштнинг бунёдкор ғоялари инсонларни тинч-тотув яшашга, ҳалол меҳнат қилиб Ватанни обод қилишга даъват этади.

«Авесто»да ватанпарварлик ғояси улуғланиб одамларни баркамол бўлишга даъват этилган. «Менга баркамол ва диноғоҳ, ватансевар ва анжуманоро, ахил, эзгу андишали, зулматдан, тангликдан қутқарувчи фарзандлар бағишла. Токи улар манзил, шаҳар, ўлка ва унинг ном ҳамда овозасини кўтарсинлар»<sup>1</sup>, дейилади. Шунингдек, асарда она заминни эъзозлаш, уни обод қилиш ғоялари тарғиб қилинади. Жумладан, «Авесто»да ёзилишича Заминни ҳаммадан кўпроқ бахтиёр қилган шахс, ҳаммадан кўп буғдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир! У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир - дейилади.

Узоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир... Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади... Замин ҳам мўл-кўл меваларни инъом этади.

Ернинг шудгор қилиниб, сара уруғлар сепилиши буғдой майсасининг униб чиқиши ўша ердаги ёвуз кучлар, девларнинг бу ерларни тарк этиши тўғрисидаги ғоя Авестонинг Вандидат қисмига бағишланган бўлимида қуйидагича берилган:

**Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан кўпадилар.**

**Қачонки буғдой гуркираб кўқарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар.**

Қачонки буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар. Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар. Қай бир хонадонда буғдой бош

---

<sup>1</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. А. Маҳкам таржимаси. Т., «Шарк», 2001, 90., 111-бетлар.

чиқарса, девлар у хонадондан узоқлашадилар. Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйнини чирмаб ташлайди («Авесто», 115 – бет)

«Авесто»да акс этган Зардуштнинг «Эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амални олқишлайман! Ният, сўз ва амаллар ичидан мен эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман. Мен барча қабих андиша, қабих сўз ва қабих амалдан юз бураман»<sup>2</sup> деган ҳикматли сўзлари бугунги кунда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу ўлмас ғоялар кейинчалик пайдо бўлган динлар, жумладан, христианлик ва ислом томонидан ҳам қабул қилинди. Демак, бу китоб ўз даврида шаклланган ғоялар тизимидан иборат бўлган жамият мафкураси эди.

Ҳиндистонда пайдо бўлган буддавийлик дини аста-секин Жанубий, Шарқий Осиёда яшайдиган кўпчилик халқининг мафкурасига айланди. Эрамининг биринчи асрида Рим империясида шаклланган христианлик дини жаҳоннинг кўпгина халқлари ва миллатлари томонидан қабул қилинди, уларнинг маънавий ҳаётига сингди. VI асрнинг охирида Арабистон ярим оролида пайдо бўлган ислом дини ўртадаги аҳиллик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, эзгулик, яратувчилик ғояларини тарғиб қилганлиги сабабли дунёнинг юздан ортиқ мамлакатлари халқлари ўртасида тарқалди, уларнинг маънавий ҳаёти, турмуш тарзи ва маданияти ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Хитой ва ҳинд мутафаккирларининг жамият ривожига ҳақидаги қарашлари ва бунёдкорлик ғоялари ҳам Осиёнинг «шарқона» маънавиятида ўзига хос ўрин тутди. Жумладан, буюк Хитой мутафаккири Конфуцийнинг (мил.ав.551-479) ғоялари ҳанузгача Хитой халқи мафкурасида етакчилик қилиб келмоқда.

Конфуцийнинг - фалсафий ва ахлоқий ғоялари марказида инсон, унинг ақлий ва маънавий қиёфаси, оламдаги ҳамда жамиятдаги ўрни, вазифаси муаммолари туради. Бу ғоянинг асоси жамиятни ҳар қандай ижтимоий ларзалардан асраб қолиш ва инсонлар манфаатини юқори кўйишга

---

<sup>2</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. А. Маҳкам таржимаси. Т., «Шарк», 2001, 90., 111-бетлар.

қаратилган. Алломанинг мақсади халқни мавжуд тартиб-қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш бўлган. Бу ғояга кўра, инсонлар жамиятнинг табиий тараққиётига қарши чиқмаслиги, яъни инқилобий йўлни танламаслиги керак. Конфуций инсоният ҳақида фикр юритар экан, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатпарварлик, ҳақгўйлик, самимият, фарзандлик иззат-ҳурмати каби юксак маънавий фазилатларга эришиши туфайли камолатга етишуви мумкин деб, ҳисоблайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Миллий ғоя тушунчасининг мазмун-моҳияти.
2. Миллий ғоя қандай негизларга таянади?
3. Миллий ғоянинг озуқа мезони нима?
4. Миллий ғоянинг шаклланиши ва унга бўлган эҳтиёж нимадан иборат?
5. Миллий ғоя мақсадларини халқларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан алоқадорликлари қандай?
6. Халқ оғзаки ижодида инсонпарварлик ғоялари нималардан иборат?

## 2-мавзу: Мустақиллик – миллий ғоя ва Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичи

### **РЕЖА:**

2.1. Мустақиллик – миллий ғоя ривожда янги босқич. Унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқилиши.

2.2. Миллий ғоя – Ўзбекистон ривожланиш концепциясининг ғоявий асоси.

2.3. И.Каримов Миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари тўғрисида. Миллий ғоянинг республика таълим тизимида жорий этилиши.

**Таянч иборалар:** Миллий мафкура, миллий ифтихор, ҳақиқий муҳолифат, консенсус, тарихий тараққиёт, мустақилликни мустаҳкамлаш, моддий-маънавий бойлик, ижтимоий тараққиёт.

**2.1. Мустақиллик – миллий ғоя ривожда янги босқич. Унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқилиши.**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан мамлакатимиз тарихида янги давр бошланди. Бугунги кунда республикада ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинди. Шу боис, демократик жамият барпо этиш ва бу жараёнда миллий истиқлол ғоясининг ахамиятини, уларнинг ўзаро алоқадорликдаги ижтимоий моҳиятини илмий тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Зеро, «Ҳеч кимга сир эмас - биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислохотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда бу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу

тафаккурининг юксалишига боғлиқ»<sup>5</sup>. Шундай экан, бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислох этиш жараёнида ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларга миллий мафкурамизда акс этган ғоялар таъсирининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш катта амалий аҳамиятга эгадир.

Жамият ҳаётида кечаётган демократик ислохотлар жадал суръатлар билан ривожланишида, муҳим бунёдкорлик ишларини амалга оширишда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш каби мақсадлар сари интилиш кузатилаётган экан, демократиянинг тақдири ҳам, кучли фуқаролик жамиятининг қарор топиши ҳам фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ушбу жараёнда фуқароларнинг иштироки, уларнинг онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал қилишда миллий истиқлол ғоясининг роли алоҳида аҳамиятга моликдир. Дарҳақиқат, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишни амалга оширишда аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади - бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»<sup>6</sup>.

Бу Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантириш жараёнида эришилган ижобий натижалар миллий истиқлол ғоясининг ҳаётий, илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигининг ёрқин ифодасидир.

Чунончи, демократик жамиятнинг шаклланиши мавжуд ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг барқарорлиги ва улар ривожланишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда бу жараённинг изчил,

---

<sup>5</sup> Каримов И. А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифамиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2006. -Б. 3.

<sup>6</sup> Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч ҳачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -Б. 177.



тизимли ва объектив амалга оширилишида давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ҳаракатларнинг пировард мақсадларини ифодалайдиган мафкуравий жараёнлар ҳам муайян ўрин эгаллайди.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги демократик жараёнларда миллий истиқлол ғоясининг салоҳияти ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам миллий ғоянинг Ўзбекистонда демократик жамият қуришдаги ўрни ва аҳамиятини, унинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш юртимизда шаклланаётган демократик жамиятнинг устувор йўналишлари, тенденциялари ва тамойилларини аниқлаш, уларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ йўллари белгилаш имконини беради. Бу эса:

Биринчидан, илмий манбалардаги мавжуд фикрларга таянган ҳолда “демократик жамият”, “миллий истиқлол ғояси”, “миллий ғоя” ва “шарқона демократия” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини аниқлаш, уларнинг ўзаро алоқаси ва ижтимоий-фалсафий таърифларини бериш, методологик аҳамиятини янада чуқурроқ таҳлил этишда кўринади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда демократик жараён шаклланиши борасидаги ёндашувларни қиёслаш асосида бугунги кунда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнининг устувор йўналишларини белгилаб олиш долзарб аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади.

Учинчидан, Ўзбекистондаги демократик жамиятнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш, жамият ривожланишида универсал моделларнинг мавжуд бўлаолмаслигини назарий асосда турли далиллар ва мисоллар орқали кўрсатишда ўз ифодасини топади.

Тўртинчидан, «Тараққиётнинг ўзбек модели» концепциясининг Ўзбекистонда демократик жамият шаклланишидаги ўрни беқиёсдир. Шу маънода, улар ўртасидаги узвий боғлиқликни нафақат назарий, балки амалий аҳамиятини таҳлил этиш ниҳоятда муҳим.

Шу маънода, демократик жамиятни шакллантиришнинг миллий ғоя ривожини билан ўзаро алоқадорлигини ангалаш ва уни мустаҳкамлаш, ниҳоятда, муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар концепциясига таъриф берар экан, “Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафқурасининг бош мақсадидир”, - дейди.

Маълумки, XXI аср инсоният тарихида тез суръатлар билан ривожланиш даври, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг мазмунан янги босқичи сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ҳамкорлик муносабатлари тобора кенгайиб бормоқда.

Мустақиллик туфайли миллий ўзликни англаш, том маънодаги янги давлат ва жамият институтларини барпо этиш имконияти вужудга келди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда моҳиятан янги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий муносабатлар тизими таркиб топди. Дунёқараши, маънавияти ва интеллектуал салоҳияти тамомила янгича бўлган янги авлод шаклланди. Бугунги шиддат билан ўзгараётган замон барчадан янгича қараш ва фикрлашни талаб этмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбига она юртга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда мафқуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий

ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш тобора долзарблашмоқда. Мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осуда ва фаровон турмушимизга хавф туғдириши мумкин бўлган турли хил мафкуравий тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш ва бу борадаги ишларни янада жонлантириш Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Кенгашга аъзо ташкилотлар, тегишли муассаса ва корхоналар маънавий-маърифий тарғибот фаолиятининг муҳим бўғинига айланмоқда.

Шиддат билан ўзгариб борётган замонда, жамиятимизда, керак бўлса, бутун дунёда рўй бераётган жараёнлардан огоҳ бўлиб боришни талаб этмоқда. Тез суръатларда ўзгариб бораётган замон Биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан самарали кураша оладиган жонкуяр тарғиботчиларни тўла сафарбар этишни тақозо этмоқда. Зеро, ҳозирги интеллектуал-ахборот асри кун тартибига воқеалар ривожидан бир қадам олдинда юриш, ижтимоий ҳодисаларнинг ўзгариш тенденцияларини илмий башорат қилиб бориш асосида фаолият юритиш, давр билан ҳамнафас яшашни тақозо этмоқда.

Бундай вазиятда И.Каримовнинг **“Фақатгина мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган эзгу қадриятларга садоқатли бўлган инсонгина бундай қутқуларга учмаслиги, тўғри йўлдан адашмаслиги мумкин. Бунинг учун, албатта, биринчи навбатда, фарзандларимизни юксак билим ва маънавий фазилатлар билан қуроллантиришимиз, бизга ёт ва бегона бўлган турли зарарли оқимлардан ҳимояланиш учун халқимизга бу борадаги бор ҳақиқатни етказиш, бундай хавф-хатарлардан одамларни, авваламбор, ёш авлодни ҳақиқат билан ҳимоя қилишимиз зарур”**, деган фикрлари бизлар учун дастуриламал бўлади.

**Концепциянинг асосий мақсади** ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришдан иборат миллий стратегияни амалга ошириш. Концепциянинг асосий мақсадни ташкил этади. Мазкур мақсад доирасида қуйидаги йўналишларда кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш талаб этилади:

- ўзбек халқининг бой тарихий, илмий, бадиий, маданий-маърифий ва ахлоқий меросини ҳар бир фуқаронинг маънавий мулкига айлантириш, миллий ўзликни англатиш мақсадини устувор йўналиш сифатида амалга ошириш, миллий ғоя ва мафқурани халқимизнинг онги ва қалбига чуқур сингдириш, уни руҳий ва маънавий куч-қудрат манбаига айлантириш;

- Ватан озодлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиб бориш, сиёсий жараёнларга, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар таҳлили асосида жамиятнинг ҳар бир аъзоси қалбида миллий ғурурни кучайтириш, ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслик туйғусини камол топтириш;

- аҳолининг барча қатламларида, хусусан, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, фидойилик ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, уларда дунё ва мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатда бўлиш ҳиссини уйғотиш;

- жамиятда ўзаро инсоний муносабатлар, иззат-эҳтиром, меҳр-мурувват, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғояларини шакллантириш жараёнларини миллий ғоя ва маънавият тамойиллари билан уйғун тарзда тизимли ва узлуксиз тарғиб этиб боришни йўлга қўйиш;

- турли оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоқларида тарқатилаётган, урф-одатларимиз, миллий менталитетимизга зид, одобсизлик ва ахлоқсизликни тарғиб этувчи вайронкор ғояларнинг ёшларимиз онгига салбий таъсир ўтказишининг олдини олиш;

- ахлоқий, тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ёшларда юксак маънавий ва маданий сифатларни шакллантириш, умуминсоний қадриятлар, миллий ўзликни англаш, ғурур ва ифтихор, соғлом турмуш

тарзини қарор топтириш, бой тарихий-маданий меросга асосланган ҳолда мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, халқимизнинг азалий анъана ва урф-одатларига асосланган ҳолда жамиятда ўз ўрнини топиш, касб-хунар эгаллашга бўлган иштиёқини кучайтириш;

- Олий таълим муассасаларида талабаларнинг етакчилик хусусиятларини намоён қила олишлари ҳамда бошқарув маҳорати малакасини ҳосил қилишларига кенг камровли имкониятлар очиб берилишини таъминлаш;

- ёшларнинг илм-фан соҳасидаги фаоллигини ошириш, илмий-ижодий интилишларини рўёбга чиқариш;

- ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмунини кенг тарғиб этиш орқали уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

- ёшларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини кенг тарғиб этиш ва уларнинг онгида баркамол шахс идеалини шакллантириш орқали замонамиз қаҳрамонларини камол топтириш;

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммоларни холисона таҳлил қилиш, тегишли хулоса ҳамда сабоқлар чиқариш - миллий ғоянинг зарурлиги ва аҳамиятининг тобора ортиб боришини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов миллий ғоя ва мафкурасини шакллантириш зарурати ҳақида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фикр юритиши тасодифий ҳол эмас эди. Негаки, «Миллий мустақил давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар»<sup>1</sup>.

Демак, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун миллий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. –Т.: «Ўзбекистон», 2001. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2001. 3-б.

ғоянинг зарурлиги энг аввало қуйидаги мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

- олдимишга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга, яъни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш;
- эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш;
- ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- узоқ даврлар мобайнида одамлар онгида ҳукмрон бўлган бегона ва ёт ғояларнинг янада қайтадан тикланиши олдини олиш;
- халқимиз табиатига зид бўлган ўзга ғоялардан, айниқса ёш авлодни ҳимоя қилиш;
- ҳар қандай тажовузкор ғояларга қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш заруратининг мустақилликни мустаҳкамлашдаги ўрнини англаш орқали ҳаракат дастурига эга бўлиш;
- мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқаросида Ватан тақдири учун маъсуллик туйғуси бўлиши учун ҳам зарур.

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг ижтимоий-иқтисодий асослари билан бир қаторда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун энг аввало, маънавий янгилашиш, маънавий ўзлиқни англаш, маънавий қадриятларни қабул қилиш ва уларни ижодий бойитиш, мъанвий ва мафкуравий қарамликдан сақлаш учун ҳам зарурдир. Айниқса, бу борада ёшларимизни маънавий хавфсизлик ва маънавий тубанлик каби салбий хусусиятлардан асраш зарур.

## **2.2. Миллий ғоя – Ўзбекистон ривожланиш концепциясининг ғоявий асоси.**

Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий ғоядан кўзланган мақсадларнинг кенг қамровли илмий-назарий ва амалий йўналишлари Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг асарларида, нутқ ва маърузаларида ўзининг аниқ концептуал ифодасини топган.

Мустақиллик йилларида жамиятимиз аъзоларининг дунёқараши, фикрлаш тарзида теран ўзгаришлар юз бермоқда. Ана шундай шароитда

халқимизни бирлаштирадиган, бунёдкорлик фаолиятига сафарбар этадиган, унинг эзгу мақсадлари ва ҳаётий манфаатларини ўзида мужассам этадиган миллий ғоя ва мафқурани яратиш ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим шарти ҳамда заруратига айланди.

Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги ва унинг аҳамияти ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатимиз истиқболлари, самарадорлиги билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан миллий ғоянинг зарурлиги жамиятимизни тараққий топган демократик мамлакатлардаги каби эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун ҳам зарурдир.

Демак, миллий ғоянинг негизини ҳам биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад, тенгсиз олий неъмат - мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверар экан, унинг зарурлиги ҳеч бир даврда ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Ҳаётий кузатишлар, баъзан зиёлиларимиз ўртасида ҳам бизга миллий ғоя, миллий мафкура нима учун, ким учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган муҳим масалага яна бир бор ойдинлик киритиш зарурати мавжуд. Бунда, яъни миллий ғояда Ўзбекистон халқининг мамлакатимиз ривожига белгилаб олган асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси мужассамлашган.

Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарурлиги билан боғлиқ;

Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Яъни, олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафкура пайдо бўлиши ўзи ғайритабиий ҳол. Буни яхши англаб олишимиз лозим. Яъни, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади»<sup>1</sup>. Демак, ўз

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 464-465-б.

миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

Иккинчидан, миллий ғоя Ўзбекистон халқининг асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси сифатида шунинг учун ҳам зарурки, одамлар онгини, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб, кўзланган олий мақсад – озод ва обод жамиятни, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиб бўлмайди. Бунинг учун эса, одамлар муайян ғояга ишониши ва таяниши зарур. Бу жараён ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди, албатта. Негаки, кенг халқ оммасини бирон бир ғоянинг илғор ва инсонпарвар эканига ишонтирмоқ учун, аввало, мазкур ғоянинг тўғри, ҳаётий ва илғор эканлигига ишонтириш зарур. Ишонтирмоқ учун унинг илмий ва ҳаётийлигига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга миллий ғоянинг ўзи мамлакатимиз халқининг асосий мақсад ва муддаolari ҳамда манфаатларини ифодалаши керак.

Учинчидан, миллий ғоянинг зарурлиги миллатнинг ўзлигини тўла англаш жараёни билан боғлиқ. Негаки, миллат ўзлигини тўла англамас экан, бирон-бир буюк ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажралиб кетишига эмас, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади. Ана шундай ўта мураккаб вазиятда миллий ўзликни англашда миллий ғояга асосий таянч куч, илмий-назарий ва амалий дастур сифатида ҳар бир инсоннинг руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмаларига кириб бориш орқали унинг қалби ҳамда онгига таъсир кўрсатади. Бу миллий ғоянинг халқ ҳаётига яқин, унга бевосита дахлдор эканлигини таъкидлаш лозимдир.

Демак, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғояда бугунги ҳаётнинг энг долзарб муаммолари, унинг стратегик мақсадлари билан диалектик боғланиши унинг яшаш шартидир.

Тўртинчидан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги яна бир муҳим ҳолат, яъни, бугун бизнинг тарихий ўзгаришлар даврида тоталитар тузумдан эркин демократик бозор



муносабатларига асосланган демократик тузумга ўтиш шароитида яшаётганлигимиздан келиб чиқмоқда. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил қилган мамлакатимиз Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай хулосага келади:

«Бу ўтиш даври ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, каттиқ курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврда янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин»<sup>1</sup>. Демак, миллий ғоя мустақилликни мустаҳкамлаш ғоясининг ўзаги бўлган - танлаган тараққиёт йўлимизнинг тўғри адолатли ва ҳаққоний эканлигига, у мана шу заминда истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг ҳаётий манфаатларига мос тушишига кенг оммани ишонтириш орқали уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш учун хизмат қилади.

Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилишда миллий ғоянинг ўрнини ҳеч бошқа бирон бир омил босолмайди. Шу нуқтаи назардан давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифаларини маънавий жиҳатдан таъминлаш, бугунги кунда мамлакатимиз тақдири учун ўта долзарб масаладир. Бунинг ёрқин ифодаси Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг(2005 йил 28 январь ҳамда 2010 йил 27 январьдаги ) қўшма мажлисидаги “мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир” маърузасидаги нутқида ҳамдаўз аксини топган. Хусусан унда шундай дейилган: «Бугун башарият ўзига хос ва зиддиятли бир даврда яшамокда. Бир томондан илм-фан ва техника, юксак технологиялар тараққий этиб, инсонпарварлик ғоялари, демократик қадриятлар, ўзаро ҳамкорлик дунё бўйлаб қарор топиб бормокда. Айни вақтда ер юзининг турли минтақаларида қуролли можаролар

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 465-б.

рўй бераётган, халқаро терроризмнинг янги-янги хуружлари оқибатида минг-минглаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмаётгани ҳам шу замоннинг ачиқ ҳақиқатидир»<sup>7</sup>.

Ўзбекистонда демократик жамият ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ўта долзарб масалалардан биридир. Негаки бугунги кунда мустақил давлатлар суверенитетини писанд қилмай уларнинг ички ишларига аралашаётган “демократия даҳолари ва жонкуярлари” аслида дунёга қайтадан эгаллик қилиши, ўзга ёки кўшни мамлакатлардан ер усти ва ер ости бойликларини эгаллаб олиш, муайян минтақалардан тинч-осуда ҳаётни издан чиқариш пайт пойлаб ҳокимият тепасига айнан ўша давлатнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келишига ёрдам беришга интилаётганида яққол намоён бўлмоқда. Ана шу жараённи тўғри англаш ва баҳолаш фақат миллий ғоянинг асосий тамойилларига таянган ҳолда бўлиши мумкин. Миллий ғоянинг асосий тамойиллари ва унинг Ўзбекистонда демократик жамият ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари Биринчи Президентимиз Ислон Каримов томонидан кўрсатиб берилган бўлиб, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида қисқа ва мухтасар тарзда баён қилинган. Уларнинг энг асосий жиҳатлари сифатида энг аввало умумий ва хусусий тамойилларининг умуминсоний мазмун моҳиятига ўзининг тўла тўқис ўз аксини топганларгина кўрсатиш мумкин. Албатта ҳар қандай миллий ғоя ва мафкура жамият тарикқиётининг маълум бир босқичига мос келиши ҳаёт ҳодисаларини акс эттириши амалга ошириладиган тартибот ва ташвиқот тизими вужудга келиши ва унинг фаолияти қай даражада самарали ишлаётганлиги одамларнинг унга нисбатан ва эътиқодига айланаётганлигини кўрсаткичи мезонлар билан белгиланади. Шу жиҳатдан миллий ғоя ва мафкурамиз Ўзбекистонда Озод ва обод ватан Эркин ва фаровон ҳаёт яратишга қаратилган умуммиллий ҳодиса сифатида қуйидаги бир қатор ўзига хос амал қилиш тамойилларига ҳам эга:

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2005.

- мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш;  
(Ватан равнақи ғояси)

- давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашда (Юрт тинчлиги ғояси)

- миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлигига таяниш;

- демократия ва ўз – ўзини бошқаришнинг ижтимоий ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллашига асосланиш;

- қонун устуворлигини таъминлаш;

- Халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши;

- Иқтисодий плюрализм ва хилма - хил мулкчиликнинг эркин ва ҳалол рақобат асосида шакилланишини таъминлаш;

- Виждон эркинлиги ва фикрлар ранг – баранглиги муҳитини қарор топтириш;

- Давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва мамлакатда иқтисодий барқарорликнинг таъминланганлигига таяниш;

- Ўтиш даврида аҳолининг иқтисодий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларнинг эркинлашуви;

- Ислохотларнинг тадрижийлиги ва мамлакатни модернизация қилиш;

- “ислохот ислохот учун эса аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун” таъминлашни қаътий тизимни амалга ошириш ва бошқалар.

Албатта мазкур тамойилларининг барчаси бир-бири билан чамбарчас алоқада ва боғлиқликда намоён бўлади. Шу жихатдан тадқиқотчи Ш. Тўраевнинг бу борада “Бунда бир томондан миллий ғоянинг умумий қарашлар, хулосалар тарзида намоён бўлиш жараёни босқичларидан ўтиши иккинчи томондан демократик жамиятнинг барча соҳаларида фаолият юргизаётган шахслар ғоявий камолот даражаларига эга бўлиш зарур бўлади. Демократик жамият шакилланишида маънавий – маърифий ва мафкуравий жараёнлар муҳим роль ўйнаши билан бир қаторда, у ижтимоий онг шакллари айниқса, мафкура ғоя кишиларнинг турмуш тарзи тафаккури сифатида бу

жараёни босқичма – босқич амалга оширишга кўмак беради” деб таъкидлагани ўта ўринлидир.

Маълумки мустақиллик туфайли бўлган бошқа халқлар қатори биз ҳам ўз миллий табиатимиз ва минг йиллик анъаналаримизга, урф-одатларимизга зид бўлган сохта коммунистик ғоядан воз кечдик. Лекин инсоният тарихи шу нарсани қатъий равишда исботлаганки, мафкура дунёсида бўшлиққа йўл кўйиб бўлмас экан. Қаерда шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонини бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар эгаллашга уриниши ҳам тарихан исботланганлиги шубҳасиз. Агарда ён-атрофимиздаги воқеликка теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, табиий захираларга бой, геополитик нуқтаи назардан ғоят қулай ҳудудда жойлашган юртимизга кўз олайтирадиган, бизга таъсирини ўтказишни истайдиган турли носоғлом кучлар мавжудлигини инкор этолмаймиз. «Улар - деб таъкидлайди – Биринчи Президентимиз Ислом Каримов - ўз ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги бугунги кунда аён бўлиб қолди. Бу кучлар катта маблағ ва замонавий қуро-аслаҳаларга эга. Лекин уларнинг энг ёвуз қуроли – миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган, энг ёмони, эртага ўрнимизни эгаллаши лозим бўлган ёш авлоднинг қалби ва тафаккурини захарлайдиган бузғунчи мафкурадир. Миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлар ҳақида гапирганда, ҳеч шубҳасиз, биз Ватан равнақи ва тараққиётини ўзимизга тасаввур қиламиз. “... Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юрт-дошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Ва ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатининг халқаро ҳамжамият сафидаи муносиб ўрин олиши, бугунги кунда тараққий топган тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар қаторига кўтарилишидан манфаатдор бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, бу икки тушунча -Ватан равнақи ва фаровонлик масаласи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини тушуниш қийин эмас<sup>8</sup>.

Ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя ҳатти-харакатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда». Шу ўринда нега айнан ғанимларимиз ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, оқ-қорани таниб улгурмаган ёшларга қаратмоқда деган савол туғилади. Чунки айнан ёшлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда асосий таянч куч. Айни пайтда, ёшларимизнинг кўнгли очик, содда, ишонувчан.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.Шундай бир вазиятда яъни аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ечилмаган муаммоларига алоҳида диққат – эътиборни қаратсак миллий ғоянинг асосий тамойили бўлган комил инсон ғоясини амалга оширишнинг бирдан бир заминидир. Зеро, мустақиллик йилларида бу борада амалга оширилган амалий ишлар нақадар ибратли ва қувонарли бўлмасин лекин ёшларимизнинг ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласида ўз ечимини кутаётган барча муаммолар бу энг аввало миллий ғоя тамойилларидан ташқари ҳал қилиб бўлмайдиган жараёнлар.Бу Ватан равнақи юрт тинчлиги ёки ҳалқ фаровонлиги бўладими буларнинг барчаси ўзаро диалектик боғлиқликда.Маълумки фарзандларимизнинг мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежларида, олий ўқув юртларида замонавий билим олиши, ҳаётда керак бўлган касбга эга бўлиши олдимизга қўйган мақсадимизнинг фақатгина бир қисми, бу масаланинг иккинчи қисми, яъни йигит – қизларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши учун уларнинг иш билан таъминлаш масаласи бугунги кундаги энг ўткир

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 73-74 бетлар

муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов: “Бундай ҳолатлардан бош тортмасдан чуқуп ўйланган дастурларни ҳаётга тадбиқ қилиш ҳисобидан бу масаланинг ечимини топиш ҳозирги вақтдаги энг долзарб вазифамиз , десак ҳеч қандай хато бўлмайди” деб такидлашларики, бу бор ҳақиқат<sup>9</sup>.

Миллий ғоянинг мустақилликни мустаҳкамлашда намоён бўлиш жараёни ўзининг бир қатор хусусиятларига ҳам эга. Улар қуйидагилардан иборат.

– Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшаши. Ахборот асри, электроника асри деб аталаётган ХХІ асрнинг бугунги кунда бу таъсирлардан холи бўлиш деярли имконсиздир. Демак, бугунги кунда «мафкура полигонлари ядро полигонлари»га нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу унинг хусусиятларидан биридир.

– Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

– Миллий ғоя - миллат тафаккури ва онгининг маҳсули. Лекин айни вақтда сиёсий онг даражаси ҳар бир миллатнинг ривожини белгилайдиган омил ҳамдир. Демак, онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса ҳеч бир жамият ўзининг олий мақсадига эриша олмайди. Биз ҳам кишилар онги ва тафаккурини ўзгартирмасдан туриб озод ва обод жамиятни барпо этолмаймиз.

Миллий ғоянинг мустақилликни мустаҳкамлашда намоён бўлишида у ўзида нималарни мужассамлаштириши ва қандай талабларга жавоб бериши муҳим.

---

<sup>9</sup> Каримов И.А Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т 2016, Ўзбекистон. 165-бет.

Миллий мафкура, - авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига қўйган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

– Жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини муштарак миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган миллий ғоя - мафкура бўлиши керак.

– Миллий мафкура ҳар қандай тажаввузкор миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо омилидир .

– Миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига миллий-маънавий қадриятимизга мос инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўла олади.

Миллий ғоя Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуг аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоядир.

Демак, миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлайди.

Мустақил Ўзбекистон учун, унинг тараққиёти ва буюк келажаги учун эндиликда бир қанча муҳим вазифа ва муаммоларни ҳал этиш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ана шундай вазифалардан бири миллий истиқлол мафкурасига ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашдан иборатдир. Миллий ғояни мустаҳкамлаш зарурлиги фикримизча, бир қатор шарт-шароитлардан келиб чиқади. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки пайтларда – эски, ягона мафкурадан бутунлай воз кечилаётган, янги мафкура эса ҳали ишлаб чиқилмаган, илмий асослаб берилмаганлиги билан боғлиқ эди.

– Инсоният тарихий тараққиёт таҳлили шуни кўрсатадики, ҳеч қандай жамият мафкурасиз яшай олмаган. Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган мафкураси бўлган. Демак, одамлар қайси бир жамиятда яшамасин нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, қандайдир бир соғлом ғояга, таълимотга асосланиб иш кўриши, фаолият кўрсатиши тарихий заруратдир.

– Мустақил Ўзбекистон учун, миллий истиқлол мафкурасининг тарихий зарурати – демократик жамият куришда унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун ўзимизга хос ва мос миллий мафкура сув ва ҳаводек зарур эди. Буни бизга мустақиллигимизнинг деярли ўтган йиллари тажрибаси ва ҳаётнинг ўзи очиқ-равшан кўрсатиб турибди. Демак, миллий ғоя - жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ўзида қамраб олади ва унинг маънавий негизининг мезонига айланади. Шу нуқтаи назардан кишиларга маънавий таъсир этишнинг асосий воситаси ҳамдир.

**2.3. И.Каримов Миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари тўғрисида. Миллий ғоянинг республика таълим тизимида жорий этилиши.**



Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентимиз Ислон Каримов кенг жамоатчиликни, олимлар, шоирлар, ёзувчиларни мафкура масаласига жиддий эътибор беришга чақириб 1993 йилдаёқ, яъни мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ «олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга тадбиқ этишдир» - деб уқтирган эди<sup>1</sup>.

Миллий мафкуранинг асосий тамойилларидан бири бу юрт тинчлиги ғояси бўлиб у барқарор тараққиёт гаровидир. Кишилиқ жамияти тарихий тараққиётдаги ҳар нарса маълумки тинчликка қарши кучлар ўзларининг ғаразли мақсадлари, нафс балоси йўлида башариятни ҳамиша низо-адоват, урушлар ва қирғинлар домига тортиб келган.

Миллий ғоя узок вақт мобайнида шакилланадиган қадрият экан, унинг асосий тамойилларини халқимиз онги ва қалбига сингдириш ўта мураккаб жараён эканлигини ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Эҳтимол миллий ғоянинг асосий ғояларини ҳар бир кишида шакиллантириш учун икки – уч авлод алмашинувини талаб этилар. Бунинг ёрқин мисолини 1991 йил 31 август куни Биринчи Президентимиз Ислон Каримов томонидан «Ўзбекистонни мустақил деб эълон қиламан деган вақтда залда ҳозир бўлган айрим раҳбарлар нисма қилишини билмай қолишган ҳолатини эслаш кифоядир. Иккинчи томондан, мамлакатимиз фуқароларининг айримлари мустақиллик ғояларини ўша кунидеқ тўла тушуниб етишди дейиш ҳам ҳақиқатдан анча йироқ бўлади. Учунчидан, мустақилликдан улуғ неъмат ҳам бирданига барча ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммоларни ҳал этади деб қарашлар ўтаэгаистик назариялардан бошқа нарса эмаслиги эътироф этиш лозим. Тўртинчидан, миллий менталитетимизнинг негизи, асоси бўлган сабр-қаноат эканлигини ҳам айрим юртдошларимизда бирданига кўникиш осон бўлмади. Бешинчидан, комунистик мафкура ўз ўрнини мустақиллик мафкурасига осонлик билан бўшатиб бермаслигини ҳам айрим зиёлиларимиз ҳам тезда тушуниб етмадилар ва бошқалар шу ўринда Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 9-б.

Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг (2000 йил 6 апрелькуни) миллий истиқлол мафкураси концепсиясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқда баён этилагн.

Дарҳақиқат мустақил Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси олдида буюк мақсад-муддаолар, ўта долзарб вазифалар турибди. Унинг асосий мақсадларидан бири - Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқарони, ҳар бир миллат ва элат кишиларини баркамол инсон қилиб тарбиялаш мустақилликнинг онгли фидойисига айлантиришдир. Негаки жамият таракқиётини, мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этишни миллий ғоясиз тасаввур этиш мумкин эмас. Инсоннинг фаоллиги унинг илғор, бунёдкор, ўзимизга хос ва мос миллий ғояга қатъий амал ва эътиқод қилишига боғлиқ. Демак, истиқлол мафкураси бутун Ўзбекистон халқининг миллий руҳини, маданий меросини, ҳис-туйғусини, миллий ғурур ва ифтихорини, куч-қудратини, орзу-интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ана шундай қудратли омил бўлган мафкуранинг шаклланишида тарихий билимлар, тарихий хотираларнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу ўринда Н.Остроумов афсус билан айтган хулосаларини келтириш мақсадга мувофиқ. «Беихтиёр ўйлаб қоласан киши, - деб ёзади у ўз кундаликларида, қолоқ ва ожиза қуролланмаган бегона халқларни босиб олишимиз мумкин экан-у, бироқ бошқа камчиликларимизни ҳисобга олмаганда, ўзимизга ортиқча баҳо беришимиз, бепарво танбаллигимиз ҳамда давлат идора усулидаги қолоқлигимиз туфайли уларни бошқаришни билмас эканмиз. Биз чет мамлакатларга нисбатан маданиятимиз пастлигича қолмоқдамиз... Биз маҳаллий аҳолининг на тилини, на урф-одатларини, на динини ўргандик”.

Мустақилликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон учун миллий истиқлол мафкурасининг тарихий зарурлиги ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни яна бир қатор мавжуд муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ. Улар қуйидагилардан иборат.

- биринчидан, миллий истиқлол мафкуриси кишиларда миллий маданиятнинг, миллий онгинг, миллий ғурурнинг ўсиши ва ривожланишини таъминлаш омили сифатида мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

- иккинчидан, миллий истиқлол мафкуриси миллий қадриятлар, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантириш орқали ёшларда ватанпарварликни тарбиялайди ва мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

- учинчидан, мустақил Ўзбекистон учун миллий истиқлол мафкуриси халқни меҳнатни севиш ва кадрлашга даъват этиш, меҳнатсиз ризқ-насиба, моддий-маънавий бойлик ва келажак йўқ эканлигини, мустақиллигимизнинг барқарорлиги ва тақдири ҳам унга боғлиқлигини одамлар онги ва қалбига чуқур сингдиради.

Миллий истиқлол мафкуриси бир миллат-ўзбекларнинг манфаати билангина боғланган эмаслигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, руслар, украинлар, яхудийлар, хуллас Республикамизни ўзининг жонажон Ватани деб билган, у билан фахрланадиган барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлигини миллий ғурурини манфаатларини ҳимоя қилиш мафкурамиз моҳиятида асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек миллий истиқлол мафкуриси заминида жаҳондаги барча илғор давлатлар, халқлар томонидан эътироф этилган умуминсоний қадриятларни, ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади ва таянади.

Мустақил Ўзбекистон учун миллий истиқлол мафкурасининг тарихий зарурлиги ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни – Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан мутлоқ янги ғояларнинг ишлаб чиқилиши билан бир қаторда бир қанча давлатларнинг тажрибалари ўрганилмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида биргина Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини тайёрлашда 30 га яқин хорижий давлатлардаги қонунчилик тажрибалари ўрганилганлигини келиштириш ўринлидир.

Натижада коммунистик мафкурадан, синфийликдан, партиявийликдан холи бўлган асосий қонун яратилди.

Мустақиллик туфайли биринчи мартаба Конституциямизда мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллигига кенг ўрин бирилди. Масалан, Конституциянинг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» - деб ёзиб қўйилган. Бу қоида Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишда ҳамда мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Инсоният тарихий тараққиётидан шу нарса маълумки, ҳар қандай соғлом янги ғоя кенг жамоатчиликнинг онига чуқур сингса, ҳаётда чуқур илдиз отса, амалиётда ўзини тўла оқласа ўшанда реал воқеликка, катта ижтимоий кучга айланади. Айни пайтда одамларимизда мустақиллигимиз ҳақида билим ва ғоя, миллий истиқлол мафкураси тўғрисида тасаввур бўлса-ю, лекин ана шу билим ва ғоя иймон ва эътиқодга, дунёқарашга айланмаса, бундай мафкуранинг замини бўш бўлади, мустақилликни мустаҳкамлашда, асраб авайлашда амалий аҳамияти бўлмайди. Шу нуқтаи назардан Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Янги уй қурмай туриб, эскини бузманг», «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик», «Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шароитлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин», «Миллий ғоя халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир»<sup>1</sup> ва унинг Олий Мажлис 2-чақириқ 9-сессиясида қилган маърузасида ҳамда асарларидаги бебаҳо илмий-назарий қоидалар, дастурий йўл-йўриқлар халқимизнинг ғоявий-сиёсий, умуман бутун

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999.

маънавий дунёсини миллий ғоя негизлари асосида бойитишда, унга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашда айниқса катта аҳамиятга эга. Ушбу китобларда мустақиллигимизнинг мустаҳкамлашнинг энг долзарб муаммоларининг назарий асослари, илмий-амалий ечимлари чуқур ва ҳар томонлама ёритилибгина қолмай, айтиб бериш пайтида миллий истиқлол мафкурамизни одамлар онги ва қалбига сингдиришнинг йўл-йўриқлари ҳам кўрсатиб берилган. Бироқ бу анча мураккаб, маъсулиятли жараёндир. Шошма-шошарлик қилиш, ўйламасдан иш тутиш, ўзибўларчилик асосида ҳаракат қилиш, юксак маъсулиятни унутиб қўйиш миллий истиқлол мафкурасини турмушга жорий этиш масаласига катта зиён етказиши ҳеч гап эмас. Бундан жуда эҳтиёт бўлмоқ лозим. Чунки «Мафкура - ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприқдир»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат шу ўринда биз яна инсоният жамияти ўз тараққиётида эришган барча ютуқлар, энг аввало умуммиллий мафкуранинг барчани бирлаштирувчи восита бўлганлигини инобатга олишимиз зарур. Ислоҳ Каримов бу масаланинг янада долзарблигини Олий Мажлиснинг 2-чақириқ I-сессиясида сўзлаган маърузасида (22 январь 2000 йил) «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат. Бу – лўнда қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш демакдир. Бу мамлакатимизда миллати, тили ва динидан қатъий назар ҳар бир инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминланадиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир». Бу борада қуйидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор берилди:

- Мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш. Бунда жамиятимизда мавжуд бўлган турли

---

<sup>2</sup> Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: «Ўзбекистон», 1998, 14-б.

манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантирсак, ҳаётимизнинг барқарор ва мустаҳкам тараққиётини мукамал кафолатлаган бўлар эдик. Миллий ғоя ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни, энг аввало мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топиши билан боғлиқдир. Бу борада Биринчи Президентимиз Ислам Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида қуйидаги вазифани қўйди: «Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим.

- Амалдаги кўппартиявийлик - бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, муҳолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир»<sup>1</sup>. Бироқ бизнинг фикримизча, ўтиш даврида, ҳар қандай жамиятда бўлганидек, муҳолифат, башарти у жамиятни янгилашнинг ташкилотчиси бўлишга интилаётган бўлса, аҳолининг муайян ижтимоий қатламлари ва гуруҳларининг теран манфаатлари ва интилишларининг ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячиси бўлиши лозим.

- Муҳолифат конституциявий мезонлар доирасида фаолият кўрсатиб, аниқ дастурий ҳужжатга эга бўлиши керак. Ана шу дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, аҳолини айниқса сайлов даврида, ўзи таклиф этаётган ислохотлар ва янгилашниш йўли ҳозирги шароитда жамият учун энг тўғри ва энг мақбул йўл эканлигига ишонтира олиши лозим.

- Ҳақиқий муҳолифатнинг вужудга келиши учун, унинг ҳокимият билан ғоявий ва амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. 333-б.

оладиган муҳолифат бўлиши учун сиёсий вазият ва барқарорликни таъминловчи механизм ва системалар кучли бўлиши керак. Бугунги кунда барча соғлом фикр юритувчи, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва Ватанимизнинг буюк келажаги учун курашаётган кишиларнинг барчаси сиёсий муҳолифатни айнан шундай ҳолдаги муҳолифатни кўришни истайди ва тушунади. Албатта, бунинг учун матбуот, ахборот воситаларининг демократик тамойилларга таяниши мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Бинобарин ҳар бир давлат, жамият ўзи бажараётган тарихий вазифани асословчи ва барча ижтимоий қатламлар, миллатлар ва элатлар, диний эътиқодлар вакиллари шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, жипсловчи умуммиллий мафкурага эга бўлганлар. Чунки шундай қилингандагина, биринчидан, бирон бир мафкура давлат мафкураси даражасига чиқмайди. Иккинчидан, бундай иш умумжамят, умуммиллий мафкурани янада аниқлашга, бойитишга хизмат қилади, унинг ҳар бир фуқарога етиб боришини таъмин этади. Бундай фикрга келишимизнинг илмий-назарий асоси, учинчидан, ҳозирги даврда илғор давлатларда барча ижтимоий қатламлар ўз ғояларини демократия, инсонпарварлик, ижтимоий адолат қоидалари ҳамда талаблари асосида яратишга интилаётганликларидир. Албатта, уларнинг орасидаги муросасизлик ўрнига ҳар бир масалада *консенсус*, яъни муроса-ю-мадора тамойилларидан келиб чиқиш тобора устун келмоқда.

Мустақил Ўзбекистон худди шу йўлдан бормоқда. Бу мафкура халқимиз тарихини, маданиятини, фалсафасини, ахлоқини, сиёсий онгини, бадиий дидини, диний анъаналарини ва келажак, истиқболларини аниқ белгилаб бериши билан ҳам алоҳида ўрганишга зарурат мавжуд. «Ўзбекистон Россиядан келтирилган коммунистик мафкурани қабул қилмайди, қабул қила олмасди ҳам. Европада илдиз отиши мумкин бўлган нарса Шарқда униб ўса олмайди. Буни ҳамиша ҳисобга олмоқ керак. Бу ўринда Шарқнинг турмуш тарзини, руҳиятини, фалсафасини, унинг буюк

Ислом динини ҳисобга олмоқ зарур! Асосий вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик, қашшоқликсиз, одамларга зиён етмайдиган тарзда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўтишдан иборат. Бу маънода ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўли бор»<sup>1</sup>.

Бу мустақиллигимизнинг ўзига хос пойдеворидир. Шунга таянган ҳолда қурилаётган жамият мустақил ва мустаҳкам бўлади. Демак, мустақилликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг илмий-назарий жиҳатлари қуйидаги хулосаларда ўз ифодасини топади:

- Мафкура Ўзбекистон жамияти ҳаётида ҳам зарур, чунки мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

- Ўз поёнига етган XX аср кўп синовлар, азобу укубатлар, хатолар фожиалар, урушлар, катағонларни бошидан кечиришининг асосий сабабларидан бири ҳам мафкуравий курашлар миллий-маданий мерос ва кадриятларни инкор этиш, ўзга ғояларни зўрлаб киритиш заминида рўй берди. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

- Инсоният тарихида ахборот асри деб тан олинаётган, яъни XXI асрда ҳам, турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Дарҳақиқат ҳозирги даврда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад ва манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Натижада бугунги кунда ҳам баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда. Бу мустақиллик учун катта хавф-хатардир.

- Ана шундай фожиаларнинг олдини олиш, уларни тинч йўл билан ҳал этишнинг бирдан бир воситаси мафкуравий таҳдидлардан сақланишдир, ўз

---

<sup>1</sup> Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. «Комсомольская правда» саволларига жавоблар, 1993 йил 12 февраль. «Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончим комил!» Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигидаги хорижий мухбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан Тошкентда бўлиб ўтган суҳбат, 1993 йил 4 март. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.І. – Т.: «Ўзбекистон» 1996, 154-156-б.



миллий ғояга эга бўлишдир. Негаки, мафкуравий кураш ва тортишувлардан кўзланган асосий мақсад - инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, уларни ўз дунёкарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ибораси билан айтганда, «фикр карамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий карамликдан ҳам кўра даҳшатлидир»<sup>1</sup>. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, ахборот ва электроника асри деб аталаётган янги ХХІ асрда инсон ҳар қачонгидан турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсиридан холи бўлиши деярли имконсиздир. Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Иккинчидан, мафкуравий курашнинг кишиларни доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийинлиги билан ажралиб туради. Ҳамда унинг илмий-назарий асослари ҳақидаги яна бир хулоса бу табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум-бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл кўйиб бўлмаслигидир. Бу мустақилликни асраб-авайлаш, мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Миллий ғояга ишонч ва эътиқод қанча мустаҳкам бўлса, у инсонларнинг шахсий, оилавий ҳаётида, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари орқали мустақилликни мустаҳкамлаб беришга хизмат қилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Мустақиллик ва миллий ғоя эҳтиёжнинг зарурлиги нимада?
2. Давлат мафкурасининг чекланганлиги ва салбий оқибатлари нималардан иборат?
3. Миллий ғояни тарихий хотира, миллий маънавий мерос билан алоқадорлиги.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: «Ўзбекистон», 1998, 5-б.

4. Мустақиллик даврида миллий ғоя концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унинг аҳамияти.
5. Миллий ғоянинг ижтимоий мақоми.
6. Миллий ғоя Ўзбекистон жамиятининг мафкуриси эканлиги.
7. Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаётида эришилган ютуқлар.

**3–Мавзу: Ўзбекистон ижтимоий ҳаёт соҳаси асосларининг  
ўзгариши ва мустабид мафкура ҳукмронлиги  
оқибатларини бартараф этилиши**

**РЕЖА:**

- 1. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги ўзгаришлар.  
Унинг конституциявий-ҳуқуқий асоси.*
- 2. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар,  
мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Яқка, ҳукмрон  
мафкурадан воз кечилиши.*
- 3. Миллий гоя ижтимоий ҳаёт асослари ўзгаришининг янгича  
гоявий асоси эканлиги ва унинг аҳамияти.*

**3.1. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги ўзгаришлар. Унинг конституциявий-ҳуқуқий асоси.**

Инсон ва жамият - бир-бири билан узвий боғлиқдир: инсон жамиятдан ташқарида ўзининг ҳақиқий моҳиятини йўқотади. Бироқ жамият инсонларнинг шунчаки йиғиндисидагина иборат эмас. Бундан ташқари, жамият одамлар ўртасида амал қиладиган реал муносабатларни ҳам қамраб олади; бундай муносабатлар кишиларни оила, уруғ, қабила, миллат, давлат ва ниҳоят, инсоният ҳамжамиятига бирлаштиради. Одамлар йиғиндисини хис этиш, кузатиш мумкин. Бироқ одамлар ўртасидаги муносабатларни кўриш, кузатиш аниқ хулоса бериш мурқаб ҳолат, чунки улар яширин характерга эга бўлиб, жисмсиз, номоддийдир. Жамият ҳаётида ана шундай муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Демак, инсонлар бир-бирини инкор этиши, ўзларини ягона ҳар нарсани англагучи, бошқалардан ақллироқ ва тўғри фикр юритувчи, жамиятдан алоҳида индивидуал шахс сифатида мавжуд деб ўйлашлари мумкин. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам

улар ижтимоийлик муносабатлари ичида қоладилар ва жамиятнинг ғоялари билан бирга яшайдилар. Ана шу жараёнда муайян бир жамиятда яшаётган кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ягона восита сифатида миллий ғоя ва мафкуралар уларнинг келгуси режали ҳаёти учун бирлаштирувчи куч бўлиб хизмат қилади.

Бундай муносабатларни йўлга солувчи ягона восита миллий ғоя ва мафкруа бўлиши мумкинлигини бугунги дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисларанинг ўзи айтиб турибди.

Шу маънада, жамият ҳаётининг асосий ҳаракат йўналишини белгиловчи сифатида қуйидаги тўрт соҳани олиш мумкин:

1. маънавий соҳа,
2. моддий соҳа,
3. сиёсий соҳа,
4. ижтимоий соҳа.

Ҳозирга қадар адабиётларда жамиятнинг моддий ва маънавий соҳалари бир-биридан кескин фарқланар, унинг моддий жиҳатига кўпроқ эътибор берилар эди. Холбуки, жамиятнинг туб моҳияти уни ташкил этувчи инсон моҳияти билан узвий боғлиқдир. Ҳудди инсон танасини унинг руҳидан ажратиб бўлмагани сингари жамиятнинг моддий ва маънавий томонларини бир-биридан ажратиш ва уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш ҳам мантиққа зиддир. Биринчи Президентимиз Илом Каримовнинг асарларида жамиятнинг моддий ва маънавий томонларини уйғунлаштириш ижтимоий тараққиётнинг асоси эканлиги таъкидланган. Инсон маънавиятини юксалтириш орқалигина иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда аҳоли маънавиятини юксалтиришга, миллий ғоя ва мафкура асосларини сингдиришга катта эътибор берилляпти. Инсоннинг ҳақиқий моҳияти моддий эҳтиёжларни маданий шаклларда қондирилишида яққол намоён бўлади. Инсон ақлли мавжудот сифатида моддий эҳтиёжларини маданий шаклларда қондириш учун табиат ва жамият моҳиятини билишга, табиат ва жамиятни ўз мақсадларига

мос равишда ўзгартиришга ҳаракат қилади. Илм-фан ва техника инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш қуроли, муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Юксак маънавият туфайлигина инсон ўз эҳтиёжларини маданий шаклларда оқилона ва тўлароқ қондириш имконига эга бўлади.

Ҳар қандай жамият ҳаётида маънавият, маънавий ишлаб чиқариш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кишилар маънавий ишлаб чиқариш жараёнида оламни, атроф-муҳитни тўлароқ биладилар, ижтимоий ҳаёт қоидаларини ўзлаштирадилар, бир-бирлари билан инсонларча муносабатда бўлишни ўрганадилар. Маънавий ишлаб чиқариш жараёнида илғор ғоя, назария ва таълимотлар яратилади. Бу эса ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тотувликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди, Илм-фан ва техника тараққиёти жамиятнинг моддий фаровонлигини янада яхшилаш учун замин яратади. Таълим-тарбия тизими жамият маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Ҳаётга кириб келаётган ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, маданияти, ҳаётга ва одамларга бўлган муносабати мактабда шаклланади. Санъат, адабиёт. маданият, илм-фан арбобларининг меҳнати жамиятнинг юксалишида алоҳида ўрин тутди, шу боисдан ҳам уларнинг меҳнати қадрланади.

Жамиятнинг моддий ва маънавий соҳалари кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ равишда вужудга келади. Жамиятнинг моддий ҳаётига:

- кишиларнинг яшашлари, шахс сифатида камол топишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар;
- озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёқилғи, коммуникация воситалари;
- моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида амал қиладиган иқтисодий муносабатлар мажмуаси;

- моддий бойликлар, табиий заҳиралар киради.

Жамиятнинг моддий ҳаёти кишилар учун тирикчилик неъматлари, воситалари яратишга қаратилгандир. У кишиларнинг моддий эҳтиёжларини кондиришга имкон беради. Моддий ишлаб чиқаришда жисмоний меҳнат кишиси асосий роль ўйнайди. Тўғри, бу соҳада ақлий меҳнат кишилари, (инженер, агроном, зоотехник, раҳбарлар ва ҳ.к.) ҳам фаолият кўрсатади, бироқ етакчи мавқени жисмоний меҳнат ходимлари эгаллайдилар. «Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш - бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир.»<sup>10</sup> Моддий ишлаб чиқаришсиз жамият ҳаётининг нормал табиий ривожланишини ҳатто тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ моддий соҳа аҳамиятини ҳаддан ташқари бўрттириш, бутун эътиборни моддий ишлаб чиқаришга қаратиш ҳам жамиятни маънавий инқирозга олиб келиши мумкин. Тараққий этган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, ҳозирги пайтда товар ишлаб чиқаришга нисбатан хизмат кўрсатиш соҳаси фойдалироқ бўлиб қоляпти. Д. Белл, 3. Бзежинский сингари ғарб олимлари ўз тадқиқотларида постиндустриал жамиятда моддий ишлаб чиқаришнинг аҳамияти тобора камайиб боришини кўрсатяптилар.

Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-биридан фарқлаш ижтимоий ҳаёт моҳиятини чуқурроқ билишга имкон беради. Аслида реал ҳаётда улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Илмий иазария ва амалиётда жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-биридан ажратиш, улардан бирини муҳимроқ, бошқасини номуҳим деб ҳисоблаш жамиятнинг табиий-тарихий ривожланишини издан чиқаради.

---

<sup>10</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. «Ўзбекистон», 2001. 31- бет.

Жамиятнинг маънавий-интеллектуал тараққиёти учун иқтисодий замин яратиш қанчалик муҳим бўлса, моддий фаровонликни таъминлаш учун маънавий-интеллектуал салоҳиятни кучайтириш ҳам шунчалик муҳимдир.

**Жамиятнинг сиёсий соҳаси.** Жамият ҳаётида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш қанчалик муҳим ўрин тутса, уни бошқариш ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этади. Жамиятнинг турли элементлари нормал ишлаши, бир-бирига мувофиқ фаолият кўрсатиши учун уни бошқариш талаб этилади. Бошқариш давлатдан тортиб корхона ва оилагача бўлган кенг соҳани қамраб олади. Бошқариш билан махсус кишилар, сиёсатчилар, раҳбар ходимлар шуғулланадилар. Бошқариш турли даражаларда амалга оширилса ҳам, бошқариш фаолиятининг энг юқори шакли сиёсий фаолият ҳисобланади.

Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, етилган муаммоларни оқилона ҳал этиш, мамлакат фуқароларининг сиёсий фаоллигини ошириш-жамият сиёсий системасини ташкил этувчи барча бошқарув органлари ва ташкилотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Жамият аъзоларини умумий мақсад йўлида янада жипслаштириш, ижтимоий-сиёсий фаолликни кучайтиришда миллий ғоя ва миллий мафкура муҳим роль ўйнайди. Ғоявий муштараклик жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳ, қатлам ва синфларда бирдамлик туйғусини кучайтиради, турли сиёсий ҳаракат ва партиялар фаолиятини бунёдкорлик ишларига йўналтиради.

**Ижтимоий соҳа.** Жамиятнинг инсонпарварлик моҳияти унинг аҳоли қатламлари учун қулай шарт-шароитлар яратишида, кишиларнинг илм олиши, соғлиғини тиклаши, дам олиши, меҳнат қобилиятларини тиклаши учун ғамхўрлик қилишида яққолроқ; намоён бўлади. Оилани, кексаларни оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш ижтимоий хизмат кўрсатишнинг муҳим шакллари дир.

Республикамизда бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилди бошланди. «Тарих сабоғи шундайки, -деб ёзади И.А.Каримов, - унинг айнан кескин бурилишларида,

ижтимоий формациялар алмашинаётганда ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар ғоят кескинлашади, миллий хавфсизликка, фуқаролар тинчлигига ва барқарорликка таҳдид солувчи омилга айланади».<sup>11</sup>

Мамлакатимизнинг миллий мустақиллик йилларида орттирган тажрибаси жамият барқарорлиги, тинч-тотувлигини таъминлашда ижтимоий соҳага кўпроқ эътибор беришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. «Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврида биз олдиндан бутун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан бордик. Бу чора-тадбирлар одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнади. Республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаб қолиш омили бўлди»<sup>12</sup>

**Жамият ҳаётида барқарорлик ва беқарорлик.** Ҳар бир инсон ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун осойишталик ва тинчликка муҳтож бўлгани каби жамият ҳам ўз олдига қўйган вазифаларини адо этиши учун ижтимоий-сиёсий барқарорликка эҳтиёж сезади. Барқарорлик нисбий сокинлик, ижтимоий тизимнинг нормал фаолият кўрсатиш имкониятидир. У турғунлик тушунчасидан кескин фарқланади. Ижтимоий-сиёсий турғунлик тушунчаси жамиятдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий, маънавий системанинг таназзули аломатидир. Жамиятда барқарорлик беқарорлик билан, инқироз гуллаб-яшнаш билан алмашилиб туриши ҳам мумкин. Жамият маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларда муайян ютуқларга эришиб, ижтимоий имкониятларини рўёбга чиқариб бўлгач, унинг бундан кейинги тараққиёти йўлида янги муаммолар туғилади. Уларни ҳал этиш вазифаси пайдо бўлади. Жамият аъзоларининг маънавий салоҳияти, миллий психологиясига мос равишда мавжуд сиёсий система кишиларни бошқаришнинг ўзига хос усулларини ҳаётга татбиқ этади. Жамиятни бирлаштирувчи ғоя ва мафқуралар шулар жумласидандир. Умуман, инсоният

<sup>11</sup> И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. - Б.212.

<sup>12</sup> И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. – Б.218.



жамияти тарихида ғоялар уларни тараққиёт сари олиб борганидек, жамият барқарорлигини таъминлашда миллий ғоя ва мафкура асосий восита бўлиб қолаверади.

### **3.2. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Якка, ҳукмрон мафкурадан воз кечилиши.**

Бу муайян давлат, жамиятда ягона мафкуранинг тўла ҳукмронлигини, унга хос принципларнинг ўзгармас ақидалар тарзида жамият ҳаётида қатъий ва мутлақ тартибда ўрнатилишини ифодалайди.

Алоҳида мафкура яккаҳокимлигининг моҳияти шундаки, бунда бирон-бир мафкуравий тизим ягона илмий жиҳатдан асосланган энг адолатли, жамиятдаги муайян қатлам манфаатларини ифода этувчи мафкура деб эълон қилинади. Ўзининг моҳияти ёки бирон бир жиҳати билан ундан фарқ қилувчи ғоялар, қарашлар, мафкуралар ёт ва душман мафкуралар сифатида эътироф этилади. Фикрлар, ғоялар хилма-хиллиги инкор этилади. Оқибатда, миллионлаб кишиларда ягона фикрга мослашиш, мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, маҳдудлик, ўзга ғояларга ҳадиксираб қараш руҳияти шаклланади. Жамиятнинг маънавий ривожига, илм-фан равнақига жиддий зарар етказилади. Аслида бундай ягона мафкура яккаҳокимлиги ёвуз ниятларда амалга оширилади, давлат мафкурасига айланади. Ижтимоий ҳаётнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади ва жамият ҳаётини, фикрлар эркинлигини бўғади.

Тарихдан маълум бўлган мустабид тузумларни қиёсий таҳлил этиш улар амал қилган мафкураларнинг қуйидаги умумий хусусиятларини ҳамда бу ғояни амалга ошириш билан боғлиқ қатор салбий оқибатларини аниқлаш имкониятини беради. Аввало, мустабидчилик мафкуралари ўз давлатларида ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларини тўлиқ қамраб олишга, ягона дунёқараш тизими ҳукмронлигини ўрнатишга интилдилар. Бу мафкуралар буюк ва ёрқин ўтмишни инкор этадилар. Улар жамиятни инқилобий йўл билан ёппасига қайта тузиш зарур ва уни амалга ошириш мумкин, деб

ҳисоблайдилар. ўзларигача бўлган миллий маданий мерос ва қадриятларнинг барчасини ёхуд кўпчилигини бекор қилиб, уларни фақат ўз принциплари билан алиштирадилар.

Мустабид давлатларнинг ўзига хос бошқа характерли хусусиятлари жамиятнинг ҳарбийлаштирилиши, «қамал қилинган қалъа»дагидек ғоявий-психологик вазиятни вужудга келтиришдан иборатдир. Бунда мамлакат ичида ҳарбий фанатизм вазияти авж олдирилибгина қолмасдан, шу билан бирга агрессив ташқи сиёсат ҳам амалга оширилди.

Бу сиёсат ҳарбий-ҳудудий ва мафкуравий босқинчилик қилишга, ўзининг мустабидчилик тартибларини кенг миқёсида қарор топтиришга қаратилади. Лекин, тарихий ҳақиқат шундан иборатки, мустабидчилик мафкураларининг турли андозалари ва уларнинг лойиҳалари асосида яратилган, демократияга қарши тузумларнинг пировард натижада ҳалокатга учраши муқаррар. Шу сабабли яккаҳокимликка интилган, мутлақ ҳақиқатни эътироф этишга даъво қиладиган мафкуранинг истиқболи йўқ. Чунки, у яккаҳокимлик ўрнатиш баробарида ўзини бойитиб борадиган манба - фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллигидан узилиб қолади. Муайян гуруҳ ёки партия ғоялари ҳукмрон мафкурага айланса, ҳурфикрлик, виждон эркинлиги ва қарашлар хилма-хиллиги чекланади. Мутлақ ҳақиқатга эгалик даъвоси, мустабидлик принципларини кучайтиради. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида коммунистик мафкура ана шундай ҳолга тушган эди. Унинг асосий ғоялари собиқ шўролар ҳокимияти раҳбарлигида зўрлик билан амалга оширилди. Натижада бу мафкура якка ҳукмрон бўлиб қолган эди. У XX асрнинг 80- йилларида таназзулга юз тутди. 1991 йилда собиқ Иттифоқ тарқалиб кетиши билан узил-кесил инқирозга учради. Бунинг сабаблари нималардан иборат?

Биринчидан, у ўзини инсоният тафаккури эришган энг юксак чўққи, мутлақ ҳақиқат ифодаси деб ҳисоблаб, бошқа мафкураларни тан олмас, улар бизга ёт деган ақида асосида мурасасизларча иш тутар эди;

Иккинчидан, бу мафкура тарғиботчилари зўравонлик принципи «мажбур қиламиз» қабилида иш тутар, ушбу ғоялар ҳамма жойда, ҳамма вақт ҳеч истисно ва тўхтовсиз тарғиб қилинар, халқнинг эркин яшаши ва фикр юритишига йўл қўйилмас эди. Кимки бу ғояга қарши чиқса, шафқатсиз жазоланар, бутун давлат механизми ана шу жазони турли шаклларда амалга оширишга қаратилган эди.

Учинчидан, бу мафкура номигагина ижтимоий гуруҳлар мафкураси эди. Аслида собиқ Иттифоқ даврида зиёлилар, деҳқонлар, хизматчилар, қолаверса, «етакчи синф» бўлган ишчиларнинг орасида ҳам мафкурадан норози бўлганлар бор эди. Лекин метин мафкуравий девор ортидан уларнинг овози чиқмас эди;

Тўртинчидан, бу мафкура ҳеч кимга виждон эркинлиги, ўз фикрини очик баён этиш, жумладан, хориж фуқаролари билан холисона мулоқатда бўлишга ҳам йўл қўймас эди. Борди-ю кимдир шунга журъат этса, «халқ душмани», «буржуазия малайи»га айланар эди;

Бешинчидан, у миллийликдан бутунлай холи эди. Унда мавҳум байналмилаллик зўр бериб қуйланарди. Кимки миллий қадриятлар тўғрисида гап очса, дарҳол «миллатчи»га чиқариб қўйиларди. Миллий тафаккурга эга бўлган шахс, мутахассис, зиёли, олим, бошқалар «қолоқ», «шубҳали киши» ҳисоланарди;

Олтинчидан, бу даврда миллий тарих, хусусан, Ўзбекистон тарихи мутлақо тан олинмас эди. Наридан борса, улар кўпинча умумий тарзда қайд этиларди, холос;

Еттинчидан, халқларнинг динига, диний меросига, диний қадриятларига нисбатан мутлақо нотўғри муносабатда бўлишар эди. Жумладан, халқимизнинг улуғ сиймолари Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмуд Замаҳшарий, Имом Мотуридий, Сўфи Оллоёр каби алломаларнинг бой илмий меросини ўрганиш, улардан фойдаланиш тақиқланган эди;

Буларнинг барчаси большевистик - ягона коммунистик мафкуранинг тараққиёт талабларига мутлақо зид эканини яққол намоён этди. Шу боис у янги замонавий талабларга дош беролмай, ўз давлати билан бирга тарихга айланди.

Ягона мафкура ҳукмронлигини даъво қилиб, узоқ ўтмишга қайтишга чақирувчи ислом фундаментализми гўёки бундан мустаснодек туюлади. Бироқ, аслида бунда ҳам ўша андоза сақланиб қолади. Яъни, ислом фундаментализми тарих ғилдирагини ўрта аср жаҳолати даврига қайтариш ниқоби остида, бирхиллаштирган мустабид «келажак»нинг ўзига хос андозасини таклиф этадики, унда инсон фуқаролик ҳуқуқларидан тўлиқ маҳрум қилинади, ҳақиқатдан диний ақидапарастлик террорига дучор этилади.

Ягона мафкура ҳукмронлигининг жамият ҳаётида зарарли оқибатлари:

Шахс эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигига муросасизлик, миллатнинг ўзлигини инкор этиш, миллий ва диний қадриятларни рад этиш, миллийликни чеклаш, мутлақ ҳақиқатни билишликка даъво қилиш, зўравонликка асосланганлиги, мутелик, боқимандалик, лоқайдлик, миллий маҳдудлик, сиёсий соҳада ташаббуссизлик, ўзга ғояларга ётқараш, жамиятнинг маънавий инқирози, тарихий хотирасизлик, она тилига писандсизлик билан қарашда яққол намоён бўлади.

Мустақиллик туфайли олдимизга қўйилган олийжаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурияти халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос миллий ғояни шакллантиришни ва мустаҳкамлашни тақозо этади.

Маълумки, биз ўз миллий табиатимиз ва минг йиллик анъаналаримизга, урф-одатларимизга зид бўлган сохта коммунистик ғоялардан воз кечдик. Лекин мафкура дунёсида бўшлиқка йўл қўйиб

бўлмаслиги, шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз. Табиатда бўшлиқ (вакуум) бўлмаганидек, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Маълум даврда олдинги фикр ўзгариши билан ўрнини янги фикр эгаллайди, ғоянинг ўрнини ҳам бошқа ғоя эгаллайди, шу сабабли жамиятда ҳам инсон онги ва қалбида ҳам бўшлиқ бўлмайди.

Ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя ҳатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқнинг юзага келиши учун йўл қўйилган камчилик ва эътиборсизлик туфайли содир бўлмоқда. Ғоявий бўшлиқни юзага келиши энг аввало чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий-психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда, янги ғоялар турли таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўгириши ва янги ғояларни қабул қилиши эса қийин кечади. Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишининг яна бир манбаи - жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолича ташлаб қўйилганлиги ҳам бўлиши мумкин. Агар давлат ёки миллат, ижтимоий гуруҳ ёхуд қатлам ўз манфаатларини, мақсад-муддаоларини аниқ-равшан ифода этадиган ўз ғояларини кишилар, айниқса, ёш авлод онгига мунтазам сингдирмаса, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлиши мумкин. Бундай шароитда ишонч-эътиқод сусайиб, мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Ўз мустақкам ғояси йўқ, эътиқоди бўш одамлар эса, таъсирга тез берилувчан бўлади, ўз йўлини йўқотиб қўяди, бундай ҳол жамиятга жуда катта зарар еткази.

Собиқ мустабид тузум ўрнида янги мустақил давлатлар шаклланди. Ҳукмрон ягона мафкура барҳам топгач, унинг ҳудудида маълум муддат ғоявий-мафкуравий бўшлиқ (вакуум) ҳолати вужудга келди. Маълумки, умрини ўтаб бўлган ғоя, мафкура тараққиёт нуқтаи назаридан инкор этилар экан, жамиятда янги бир ғоя, илғор бир фикрнинг шаклланишига эҳтиёж сезилади. Бу зарурият теран англаб етилмаган ҳолда эса ғоявий вакуум -

бўшлиқ юзага келади. Лекин, мафкура соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди.

Хўш, аслида ғоявий бўшлиқ нима? Ғоявий бўшлиқ эски мустабид тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдин ҳукмронлик қилиб келган мафкура ўз мавқеини йўқотгач, тараққиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илғор ғоявий тизимнинг ҳали тўлиқ шаклланмаган ҳолатидир. Бундай шароитда турли хил мафкуралар ушбу ҳудудга ўз таъсир доирасини ўтказишга уринади.

1990 йилларнинг бошларида бундай мафкуравий бўшлиқ Ўзбекистон ҳудудида ҳам намоён бўлди. Унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

- Ҳукмрон, коммунистик мафкура таназзулга юз тутди ва ўрни бўшаб қолди;

- Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қарор топган, мустақиллик мафкураси ғоялари мамлакатимиз фуқароларининг онги ва дунёқарашда маълум даражада акс эта бошлаган бўлсада аммо у ҳали одамларнинг мустақил дунёқарашига, мустаҳкам ишонч ва эътиқодига айланмаган эди;

- ўтиш даврида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллигига жўшқин ифода бўлди. Миллий маданий мерос ва қадриятларга, миллий ғояга бўлган ишонч ва эътиқодни эътироф этилиши вазиятда муҳим бурилиш ясади. Ўтиш даврида, янгича қарашлар одамларнинг мустаҳкам эътиқодига айланиб улгурмаган пайтда ташқи мафкуравий таъсирларнинг яхши ёки ёмон, фойдали ёки зарарли эканини ҳамма ҳам фарқлай ололмади. Ўзбекистондаги мафкура майдонига бегона, халқимизнинг орзу-интилишларига мутлақо ёт ғояларнинг ҳужуми ана шу билан боғлиқ геосиёсий, мафкуравий мақсадлар билан ҳам изоҳланади. Масалан, мустақил мамлакатимиз тинч-осойишта яшаётган бир пайтда Афғонистон ва бошқа яқин ҳудудларидаги беқарор вазиятдан фойдаланиб, уларнинг ҳудудига ин қуриб олган баъзи бир экстремистик кучлар, террорчи тўдалар ўз жинойткорона мақсадларини амалга оширишга, Марказий Осиё

минтақасини мафкуравий курашлар майдонига айлантиришга урина бошлаган эди. Бунинг ёрқин мисоли 2010 йил 11-15 июндаги Жалолобод уй воқеалари яна бир бор тасдиқлади.

Ғоявий бўшлиқ мамлакат хавфсизлиги ва фуқаролар осойишталигига жиддий хавф олади. Чунки ғоявий бўшлиқ, ғоявий заифликка, ғоявий парокандаликка олиб келади. Ғоявий бирдамлигига, давлатнинг қудратига путр етказди, натижада давлатлар ва халқлар қарамликка, иқтисодий ва мафкуравий исканжага тушиб қоладилар, таназул ва тушкунликка йўлиқадилар. Масалан, Чингизхон юртимизга бостириб келганда Муҳаммад Хоразм Шох бошчилигидаги давлат қудрати ва лашкарларнинг сони жиҳатидан Чингизхондан бир неча баробар устун эди. Лекин ғоявий парокандалик туфайли мамлакат аҳолиси асоратга тушиб қолди. Худди шунингдек Чор Россияси истилоси даврида ҳам кам сонли рус аскарларига қарши Бухоро Амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг бир-бирлари билан келишмовчиликлари умумий душманга қарши кучларни бирлаштириш ғояси ўрнига, аксинча ўзларича бўлиниб қарши туришлари, тарқоқликлари охир оқибатда халқни бирлаштириб, курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди. Жамиятдаги барча қатлам ва гуруҳларни ягона куч сифатида умумий мақсадлар ва туб манфаатлар йўлида бирлаштирадиган жамият мафкурасигина ғоявий парокандаликка барҳам беради. Шунинг учун ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат ва жамият ғоявий бўшлиқ ва мафкуравий парокандаликка йўл қўймаслик, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга, илғор фикрлар, улуғвор мақсад ва эзгу ғояларни одамлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қилади.

### **3.3. Миллий ғоя ижтимоий ҳаёт асослари ўзгаришининг янгича ғоявий асоси эканлиги ва унинг аҳамияти.**

Демократик жамиятда халқлар ўз миллий ғоясига таянади. Бу мустақил тараққиёт йўлидан ривожланишнинг муҳим шартидир. Шунинг учун ҳам, фуқароларда миллий ғояга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш ва

ривожлантириш тараққийетнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг миллий ғояга дахлдорлик ҳиссининг шаклланиши ва ривожланиши жамиятнинг ғоявий-мафкуравий асослари, таълим-тарбия тизими, кадриятлар тизимига, ҳар бир инсоннинг онг ва тафаккури шакли, дунёкараши, ҳаётий мўлжалларига боғлиқ бўлади.

Инсоннинг улғайиши, ижтимоий ҳаётда ўзининг ўрнини топиши, муайян мавқеига эга бўлиши, айти пайтда шахс, жамият ва давлат муносабатларида ҳам ўзаро ўрнатилган тартиблар, қабул қилинган қонунлар, маънавий-ахлоқий кадриятлар тизими, фуқарода масъулият-дахлдорлик ҳиссини уйғотади. Дахлдорликни англаш юксак маънавият мезони сифатида намоён бўлиб, жамият олдида турган мақсад- ғояларига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапирганда, аввало одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим”<sup>13</sup> – деб унга алоҳида эътиборни қаратди.

Миллий ғоя - Ўзбекистон жамиятининг мафкураси - ғоявий асоси сифатида, унинг тушунчалари, принциплари, инсонларда миллий ғоя мақсадларига дахлдорликни англашларида имконият яратади.

Бу дунёда эътироф этилган миллий ва умуминсоний демократик принциплар орқали аниқ ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти,

---

<sup>13</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 8 декабр.



эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”<sup>14</sup> деб белгилаб қўйилган.

Жамият ҳаётида “дахлдорлик”, “дахлдорлик ҳисси” тушунчалари ўзига хос мазмунга эга. “Дахлсизлик” тушунчаси эса “Инсон ҳаёти”нинг дахлсизлиги ёки унга дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини англатади. “Дахлдорлик ҳисси” эса фуқаронинг ҳаётига, ён-атрофида содир бўлган ёт воқеаларга, инсонлар ҳаётига, муаммоларига бепарқ бўлмаслик билан боғлиқ бўлган инсоний туйғудир.

Дахлдорлик ҳисси фуқароларнинг ўзаро муносабатининг ифодасидир. Маълумки, инсон ҳаёти давомида дахлдорлик ҳиссини қандай сезиши, ён-атрофидагиларга муносабати шаклланиб, ўзгариб, ривожланиб боради. Улғайиб, вояга етган сари ижтимоий макон ҳам унга ўзининг таъсирини кўрсатади. Дахлдорликни хис этиш имкониятлари, унга таъсир кўрсатиш кучига эга бўлган ресурслар кўлами ошиб боради.

Дунёда жамиятнинг ғоявий – мафкуравий асосини ўзгариши билан дахлдорлик ҳисси, унинг мазмуни ва моҳияти ҳам ўзгаради. Бугун онгда миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларини ижтимоийлашиши, ўзига хос трансформациялашиши жараёни орқали кечмоқда. Мустақиллик ана шундай янги имкониятни яратди. Бугунги кунда якка, ҳукмрон коммунистик ғоя билан боғлиқ мақсадлар, асосий тушунча ва тамойилларидан тубдан фарқ қиладиган миллий ғоя мақсадларига мос ҳолда дахлдорликни ҳис этиш асослари қарор топмоқда. Янги ғоявий мақсадлар, тушунча ва тамойиллар одамларда дахлдорликни янгича идрок этиш, бир-бирларига янгича муносабатда бўлиш, инсонни қадрлаш ва унга энг олий қадрият сифатида қараш, дахлдорлик ҳиссининг мазмунини, моҳиятини белгилаб бермоқда.

Энди одамлар ён-атрофида бўлаётган воқеа – ходисаларга ва бир-бирларига нисбатан мавҳум "Синфийлик" тамойили орқали эмас, реал ҳаётини инсоний тамойиллар, мустақиллик талаблари ва мақсадларига мос ҳолда, воқеликни идрок этмоқдалар. Бу, инсонларнинг ҳаётини мақсадларига янгича

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон. – Т.: 2017.

ғоявий мазмун бахш этади. Аждодлар меросини хурмат қилиш, тарихий хотира, маданий ёдгорликлар, миллий-маънавий мерос ва кадриятларни ўзининг маънавий борлиғидан ўтказган ҳолда, ўзини-ўзи асраб-авайлашга, авлодларга етказишда, уни янада бойитиб, ривожлантириб боришда фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳиссининг моҳиятини янада оширмоқда. Дахлдорлик ҳисси алоқадорлик, бурч, масъулият, инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги билан узвий боғлиқ. Бу бир томондан инсоннинг дахлсиз ҳуқуқларини, иккинчи томондан, инсонлараро муносабатда уларнинг бир-бирига нисбатан бефарқ бўлмасликни, ўзаро масъулиятли эканини англатади.

Дахлдорлик ҳисси, ўзликни англаш билан ҳам узвий боғлиқ. Чунки, ўзликни англаш халқи, миллатига, маданиятига, она тилига, Ватанга бўлган мансублик ҳисси билан туташ ва муштаракдир. Ҳаётда, одамларнинг дахлдорлик ҳиссини идрок этиши ҳар хил. Масалан: дахлдорлик ҳисси юқори; дахлдорлик ҳисси ўртача, дахлдорлик ҳисси паст одамлар учрайди. Бу уларнинг маънавий даражаси билан бевосита боғлиқ.

Бугун миллий ғояга дахлдорлик ҳисси қуйи ёки паст бўлган айрим кишилар ва ёшлар учрайди. Бу ўзига хос бефарқлик, лоқайдлик билан боғлиқ кусурлардир. Бу ёт ва зарарли ғояларни фарқламаслик, тафаккур ва ҳаётий позициясини заифлигининг ифодасидир. “Эгоцентризм”, “эгоизм”, “Ватансизлик” ғояси, худбинликнинг бошқа кўринишлари миллий ғояга дахлдорлик ҳиссини англашга салбий таъсир кўрсатади. Ҳаёт ўзгаришлари билан дахлдорлик ҳисси ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Одамлар билан умумий руҳиятда бўлиш маънавий - руҳий яқинликни шакллантиради. Юксак маънавиятли одамда дахлдорликни ҳис этиш маданияти юқори бўлади.

Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси юқори одам ёт ғояларнинг жозибасига учмайди. Уларга қарши ғоя билан жавоб бериш, мустақил фикри юқори бўлади. Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси :1) Фуқароликни ҳис этиш масъулияти ва маданияти билан; 2) Ватанни англаш унга содиқлик ва

ватанпарварлик билан; 3) Миллий ўзликни англаш миллий маънавий мерос ва умуминсоний демократик кадриятларга содиқлик туйғулари билан; 4) Қонунни ҳурмат қилиш; қонун устуворлиги; адолат тамойилларига таяниш; 5) Инсонни эъзозлаш, унга энг олий кадрият сифатида муносабатда бўлиш маданияти ҳам дахлдорлик ҳисси ва маданиятини оширади. Бу миллий ғоя негизлари уйғунлигида аниқ намоён бўлади.

Бу инсонни ўзлигини англаб олишга ундайди. Миллий ва умуминсоний маънавиятга дахлдорлик ҳисси куйидагиларда ўз аксини топади: 1) Миллий маънавий меросни билиш; 2) Миллий маънавий меросни кадрлаш; 3) Миллий маънавий меросни асраб-авайлаш; 4) Миллий маънавий меросни янгилаш; 5) Миллий маънавий меросни бойитиб боришга ўзини масъул, дахлдор деб билиш; 6) Умуминсоний кадриятларни ҳурмат қилиш, унга таяниш маданиятидир.

Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси ва фуқароларнинг ҳаётий позициясига эга бўлиши узвий алоқадор ва бир-бирини тақазо этади. Бу ички ва ташқи омиллар билан белгиланилади. Ички омиллар – мамлакат ичкарасидаги ижтимоий – маънавий мухит, фуқароларнинг маънавий салоҳияти, маънавий даражаси, таълим – тарбия, фуқаролик жамиятини ривожланиши, мамлакатни модернизациялаш демократик ислоҳотларнинг моҳияти билан боғлиқ бўлса, ташқи омиллар – глобаллашув, турли-хил ғоявий – мафкуравий курашлар, маънавий таҳдидлар, тинчлик ва осойишталик учун кураш, хавфсизликни таъминлаш шарт-шароити, омиллари билан алоқадор. Фуқароларда миллий ғояга дахлдорлик ҳисси қанча ошиб борса, мамлакатни ички ва ташқи хавф – хатарлардан ҳимоя қилиш имконияти шунча юқори бўлиб боради. Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси юқори бўлган инсон турли-хил зарарли ғояларнинг таъсирига тушмайди, тақлид қилмайди, ғоявий – маънавий иммунитет юқори бўлади.

Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси – социал-ғоявий тушунчагина эмас, ижтимоий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий асосга ва мазмунга эга тушунчадир. Бу турли миллатга, ёшга мансуб бўлган кишиларнинг мамлакатда ўзи

яшайдиган Ватан, уни идрок этишда фуқароликни англаши, унга ўзини мансуб деб билиши, ўзлигини Ватан тупроғи, давлат рамзларини, шу Ватанда яшаган аجدодларини яратган ахлоқий - маънавий меросини ва қадриятларни, урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлашга, уни янада бойитишга, ривожлантиришга дахлдорликни ҳис этиши орқали унга кўмак бўладиган амалий ишларни бажариши, масъулияти уларни кундалик реал ишларда алохида дахлдорликка ундайди. Улар ўзаро ҳамкор ва ҳамжихатлик билан Ватан учун ишлашнинг дахлдорлик бурчи эканлигини амалий ишлари билан янада мустахкамлайди. Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси аجدодлардан ўтиб келаётган миллий-маънавий мерослар билан бирга, умуминсониятнинг демократик қадриятларига, принципларига нисбатан муносабатида намоён бўлади. Инсон ҳаётида фақат ўз қобиғида яшай олмайди. Бу уни дунёдан ажралиб қолмаслигига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам дунё халқлари ҳаёти, фан ва таълим соҳасида эришаётган ютуқларини ўз ҳаётига олиб киришга ҳаракат қилиши тараққиёт учун муҳим. Бу инсонларнинг таълим-тарбия, илм-фан ютуқларига нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантиради ва тарбиялайди. Бу дахлдорликни англаш, уни фан ютуқларини билишга, ўрганишга ва татбиқ этишга ундайди. Натижада янги-янги технологияларни яратишга, ижтимоий ҳаёт соҳаларига татбиқ этишга чорлайди. Инсоннинг маънавияти юксалиб боради. Бу уларни мамлакат халқи ва миллатнинг истиқболи йўлида уларнинг ҳаётини яхшилаш, эркин ва фаровон бўлиб боришига, озод ва обод ватан туйғулари билан боғлайди. Буни ҳар бир киши ўзига хос руҳий-маънавий куч-қудрат, илҳом, фаоллик каби инсоний интилиши билан боғлиқ ҳаракатларни юзага чиқаради. Ватан учун ишлаш, яшаш, уни севиш ҳаётини амалий шиорига айланади. Бу турли миллат ва халқларни янада бирлаштиради. Уларни ягона Ватан йўлида фидокорона меҳнат қилишга чорлайди.

Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси - Ватанга нисбатан алохида маъно ва мазмунга эга. Ватаннинг яхлитлигини ҳис этиш, Ватан тупроғи ва уни асраб-авайлаш, уни ҳар қандай кўринишдаги ёт ғоя ва мақсадлардан халос

қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Дахлдорлик ҳисси инсонни онг ва тафакқурини янгилашга, Ватан тараққиёти йўлида мустақиллик тафакқурига эга бўлиш, янгиликларни қабул қилиш, янги-янги ихтиролар қилишга ўзини ундаш, ҳар бир киши ҳаётининг мазмунига, мақсадига ва ҳаётий майлига айланган бўлиши-тараққиётнинг талабидир. “Ўз уйингни ўзинг асра!” деган шиор юртимизда яшаётган ҳар қайси инсондан ҳамон учраб турадиган лоқайдлик ва бепарволик кайфиятларидан холос бўлишни, энг муҳими, ён атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашни бугунги кунда энг долзарб масала сифатида олдимизга қуймоқда<sup>15</sup>. Бу Ватан тараққиёти йўлида тинчликни асраб-авайлашни, кадрлашни ва кадрига етишга, тинчлик учун курашга дахлдорлик ҳисси доирасида намоён этади. Мамлакатнинг тараққиётига хизмат қилади. Дахлдорлик ҳисси инсонларни эзгу мақсадлар, ғоялар билан яшашга ундайди. Шунинг учун дахлдорлик ҳиссини, айрим тор доирадаги манфаатлар тизими нуқтаи-назаридан эмас, балки миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, умуминсоний демократик қадриятлар нуқтаи-назаридан кенг англаш маданияти инсониятга, келажакка хизмат қилади. Бу турли халқлар, миллатлар, динлар ўртасида ҳам ўзаро бағрикенгликни, тотувлик ва ҳамжихатликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Миллий ғоянинг асосий тушунчалари инсон тафакқурининг маҳсули. У шундай моҳиятга эгаки, унда турли миллатлар, халқларнинг аجدод ва авлодларининг ҳаётий мақсадлари, орзу-интилишлари, ўзига хос онг ва тафакқур модели ўзининг ифодасини топган. Бу уларнинг Ватанга, аждод ва авлодлар меросига, тарихига, миллий ва маънавий қадриятларига шунингдек, инсоният томонидан эътироф этиб келинган ва келинаётган демократиянинг умуминсоний принципларига содиқлик, ишонч ва эътиқод, унга нисбатан эзгу ниятли ҳар бир инсоннинг дахлдорлик ҳиссини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

---

<sup>15</sup> И.Каримов “Тинчлик ва осойишталик барча ютуқларимиз асоси” мавзусида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 9 май. 90-сон.

Миллий ғоя тушунчалари ҳар бир инсоннинг халқ ва миллатнинг ҳаёти, келажагига дахлдорлиги билан уларни бирлаштириб турадиган муштарак мақсадларни ифодалайди.

Миллий ғояни билиш, англаш унинг тарғиботи - ташвиқоти орқали фуқароларда ишонч ва эътиқод янада мустаҳкамланади. Улар дахлдорлик ҳисси, Ватанга, аجدодлар меросига, қадриятларига, давлат рамзларига, ўзлигига, маданиятига, тилига дахлдорликни ҳис этиши, қадриятлар тизимини борлиғи орқали идрок этиши муҳим аҳамиятга эга. Ундан ташқарида ўзини ҳис этмайди. Бу Ватанпарварлик туйғуларини янада оширади!

Миллий ғоянинг бош ғоясини, асосий тушунча ва тамойилларини англаш ҳамда уни ижтимоий онг даражасида уйғунлашиши, ишонч ва эътиқодга айланиши, уларда Ватанга дахлдорлик ҳиссини янада оширади.

Миллий ғоянинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш билан боғлиқ бош ғояси ҳар бир кишининг озодликка, Ватаннинг обод ва фаровон бўлишига ҳиссасини қўшишга, эркин ва фаровон ҳаёт куришга бўлган дахлдорлик ҳиссини шакллантиради. Миллий ғоянинг асосий ғоя ва тамойиллари “Халқ фаровонлиги”, “Ватан равнақи”, “Тинчлик”ни асраб-авайлаш, “ижтимоий ҳамкорлик”, “динлараро бағрикенглик” ва “миллатлараро тотувлик”, “комил инсон” ғоялари<sup>16</sup> фуқаролар ҳаётига, уларнинг ҳаётий мақсад ва манфаатларига, фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларда маъсулият ҳиссини, ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлашга, тараққиётга хизмат қилади. Бугун мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти соҳаларида эришилган ютуқларни фуқароларнинг миллий ғояга дахлдорлик ҳисси натижаси сифатида кўриш мумкин.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтқазилган муносабати билан, “Гўзал ва бетакроримсан муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган ғояни ўзида мужассам этган

---

<sup>16</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон. 2000.

ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури ишлаб чиқилди<sup>17</sup>.

Маълумки, ўтган 25 йил давомида миллий ғоя мақсадларига мос мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишлар амалга оширилди.

Бу юртимизнинг илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланганди. Натижада иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етди, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани кенг кўламли иқтисодий ислохотларимизнинг амалий самарасини кўрсатади.

Олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан тараққиётимизнинг локомотиви бўлган етакчи тармоқларни жадал

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида” қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 3 июнь. 105-сон.

ривожлантириш, иқтисодиётимизда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириб бориш, Конституциямизда кўзда тутилган хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг самарасини янада кучайтириш каби ўта муҳим йўналишлар миллий ғояга дахлдорлик хиссини, ўзига хос фахрланиш туйғусини янада оширади. Жумладан, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича белгилаб олинган аниқ режа ва дастурларни амалга ошириш учун, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамасдан, қатъият билан илгарилаб боришимизга асос бўлаётган мезон ва омилларнинг моҳиятини англашга ёрдам беради.

Ёки мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган ўрта синф – мулкдорлар синфининг жадал ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етгани, айти шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилиб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётгани фуқароларнинг мустақилликка бўлган ишонч ва эътиқодини, садоқатини мустаҳкамлади<sup>18</sup>. [6]

Жамиятимиз ҳаётини бутунлай ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мактаб таълимини ривожлантириш ва бошқа умуммиллий дастурларимизни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонида рақобатдошлигини таъминлашнинг ишончли замини бўлиб хизмат қилмоқда.

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида” қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 3 июнь. 105-сон.



Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биринчидан, миллий ғояга дахлдорликни англаш, тараққиётнинг муҳим шарти бу миллий ғоя мақсадларига, асосий тушунча ва тамойилларига ишонч ва эътиқод билан боғлиқ; иккинчидан, миллий ғояга дахлдорлик, унинг негизларига миллий маънавий мерос, кадриятларга, умуминсоний демократик принципларга амал қилишни, унга масъулликни англатади; учинчидан, миллий ғояга дахлдорлик, жамият мафкурасига, Ўзбекистонда яшаётган турли халқлар, миллатларнинг, аجدод ва авлодларнинг ҳаётий орзу-интилишларига, мақсад ва майлларига бўлган ҳурмат, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва янгилаб, бойитиб боришдир; тўртинчидан, миллий ғояга дахлдорлик - Ўзбекистоннинг истиқболи ва келажаги тўғрисида қайғуриш, ижтимоий ҳаёт ривожига янги - янги ютуқларига эришиш, мамлакатни модернизациялаш - янада демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришдир; бешинчидан, миллий ғояга дахлдорликни ҳис этиш, уни ўзининг ғояси, халқи, миллатнинг, жамиятнинг ғояси - мақсадлари сифатида идрок этишига ундайди. Бу халқни – халқ, миллатни –миллат қилишга хизмат қилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида сиёсий институтлар хилма-хиллиги
2. Мафкуралар хилма-хиллиги ижтимоий ҳаёт асоси
3. Фикрлар хилма-хиллигини миллий ғоя билан алоқадорлиги
4. Якка, ҳукмрон мафкурадан воз кечилиш сабаблари
5. Якка, ҳукмрон мафкуранинг инсон эркинлиги ва ҳуқуқ ва манфаатларига зидлиги
6. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги.

**4-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг миллий ғоя мақсадлари билан муштараклиги**

***РЕЖА:***

- 1. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларини ғоявий мазмуни ва моҳияти.*
- 2. Демократик ислоҳатларни изчил давом эттириш, эркин ва фаровон ҳаёт қуришининг ўзаро муштараклиги.*
- 3. Ҳаракатлар стратегияси бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши. Унинг мақсадларини инсон манфаатлари устуворлиги ғояси билан ўзаро алоқадорлиги.*

**4.1. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларини ғоявий мазмуни ва моҳияти**

Миллий истиқлол мафкруасининг тамойилларидан бир “Халқ фаровонлиги” ғоясидир. Давлатимизда халқ фаровонлиги йўлида оламшумул ишлар олиб борилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

“Инсон манфаати – ҳар нарсадан улуғ”. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият”. “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун”. “Ҳамма нарса – инсон учун, унинг келажаги учун”. “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон”...

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз давлат мустақиллигини қўлга киритиши арафасида ва истиқлол йилларида изчиллик билан илгари сурган ҳамда ҳаётимизга чуқур татбиқ этиб келинаётган бундай эзгу даъватлар ва ҳаётбахш ғоялар замирида инсон омилига юксак эътибор энг олий мезон сифатида ўз ифодасини топган. “Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи

миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир”, деб таъкидлайди Биринчи Президентимиз “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида.

Мустақилликка эришиш йўлида 1989-1991 йиллар мобайнида юртимизда олиб борилган ўта оғир ва машаққатли курашлар тарихига доир мазкур ноёб фундаментал асар кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Бунинг сабаби: ушбу китобдан жой олган маъруза ва нутқларда мустақилликка эришиш арафасидаги оғир ва суронли йилларда ҳам инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикамизда истиқболда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт, деган талаб кун тартибига қўйилган ва бугун бу ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда.

Бошқача айтганда, Биринчи Президентимиз ўша кезлардаёқ халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг маънавий ва жисмоний такомилли – давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири эканини белгилаб берди. “Инсон ҳаётининг бу нозик ва мураккаб томонлари билан, хазиналарга тўла миллий-тарихий анъаналар билан, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирди. Бинобарин, бу камчиликларни тuzатиш учун жуда катта меҳнат қилишимиз керак”, деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.

Бугунги эркин ва озод, тинч ва осуда ҳаётимиз қадрини, мустақиллик берган имкониятларни чуқур англашда, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсадидир.

Мустақиллик йилларида, мамлакатимиз раҳбарининг интервьюсида таъкидланганидек, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгарди, бугунги замондошларимиз ўтган асрнинг 90-йилларидаги одамлар эмас. Юртдошларимизнинг маънавий дунёси юксалиб, ижтимоий фаоллиги ўсиб, дахлдорлик туйғуси кундан-кун кучайиб бормоқда. Бинобарин, юксак маънавиятли шахсни ҳеч ким енга олмайди, юксак маънавият қарор топган жамият эса ҳаргиз таназзулга юз тутмайди.

Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади. Маънавият – аждодларни авлодларга, тарихни бугунга, бугунни келажакка боғловчи кўприк. У ота-боболаримиз тўплаган жамики ноёб фазилатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, улар тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади.

Ислохот – аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир. Дунёда энг қийин иш инсонни тарбиялаш, унинг онгу тафаккурини шакллантириш, деган гап бор. Масаланинг яна бир жиҳати борки, биз кўпинча ён-атрофимизда юз бераётган янгиликларни сезмаймиз, уларга бепарво қараймиз. Мўъжизаларни четдан кутишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, уларни четдан излаш шарт эмас, улар шундоқ кўз ўнгимизда юз бермоқда: янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, улардаги замонавий жиҳозлар, энг муҳими, кўзларида қувонч ва ҳайрат учқунлари порлаб турган болаларимиз – дунёда бундан ортиқ мўъжиза борми?!

Истиқлол йилларида мамлакатимизга қанчадан-қанча замонавий техника-технология кириб келмоқда, ишлаб чиқаришнинг энг илғор соҳалари бўйича янгидан-янги қувватлар ишга туширилмоқда. Мисол учун, Навоий вилоятининг бир пайтлар қуш учса қаноти қуядиган бепоён чўл ҳудудидаги 564 гектар майдонда ҳозир “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилган. Бу ерда хорижлик шериклар билан ҳамкорликда тузилган ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ўнлаб турдаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Вилоятнинг яна бир иқтисодий гиганти – Халқаро интермодал логистика марказидан дунёнинг ўнлаб йирик шаҳарларига ҳафтасига ўттиздан зиёд рейслар амалга оширилмоқда.

Бу ерда ишлайдиганларнинг аксарияти мамлакатимиздаги коллеж битирувчилари бўлган навоийлик ёшлардир. Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги гоят муҳим ҳужжат бўлди. Унда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар

учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касб тайёргарлигига эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ҳа, биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам! Ёшлар, қайси соҳада бўлмасин, замонавий билимларни эгаллашга, илм чўққиларини забт этишга, энг илғор техника ва технологияларни жиловлашга бел боғлар экан, аввало, ана шу даъватга таяниб иш кўриши айни муддаодир. Биз шавкатли аждодларимизга муносиб бўлмоғимиз зарур.

**4.2. Демократик ислоҳатларни изчил давом эттириш, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг ўзаро муштараклиги.**

**4.3. Ҳаракатлар стратегияси бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши. Унинг мақсадларини инсон манфаатлари устуворлиги ғояси билан ўзаро алоқадорлиги.**

#### **Назорат саволлари:**

1. Ҳаракатлар стратегияси тушунчаси мазмун-моҳияти
2. Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият ривожининг янада такомиллаштириш вазифалари
3. Давлат ҳокимиятини демократлаштиришнинг ғоявий асослари
4. Парламент ва сайлов қонунчилигида инсон манфаатларининг акс этиши.
5. Қонун устуворлиги ғоясининг мазмун-моҳияти
6. Суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши
7. Иқтисодий ривожланиш ва халқ фаровонлиги ғояси

8. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг инсонпарварлик мақсадлари

**5-мавзу. Ватанга дахлдорлик хисси. Уни диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва тинчликни мустаҳкамлашда миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши истикболлари**

**РЕЖА:**

- 1. Миллий ғояга эҳтиёжни ортиб бориши ва Ватанга дахлдорлик хисси.*
- 2. Ш.Мирзиёев Миллий ғоя Ватанни севиш учун кераклиги тўғрисида.*
- 3. Мустаҳкам тинчлик учун кураш ва Ўзбекистоннинг Мудофаа доктринасининг ишлаб чиқилиши.*

**Таянч иборалар:** *Ғоя, мафкура, мақсад, мафкуранинг ҳаётийлиги, илгор ғоялар, сиёсий партиялар, умуммиллий ғоя, уйғониш, бунёдкорлик ғоялари, жамият, миллий озодлик кураши мафкураси, миллий мустақиллик мафкураси, фикрлар хилма-хиллиги, «Мафкуравий плюрализм».*

**5.1. Миллий ғояга эҳтиёжни ортиб бориши ва Ватанга дахлдорлик хисси.**

Эзгу, бунёдкор ғоя ва мафкура барча инсонларнинг ҳаёти мазмунини, орзу истакларини ифодалайди. Ҳар бир инсон, жамият ўз олдига муайян бир мақсад қўяди ва унга эришиш учун ҳаракат қилади. Инсон мақсадлари жамият манфаатларига мос келиши, тараққиёт йўли ва истикболини белгилаб берадиган муайян эзгу ғоя ва мафкурасида акс этиши ўта муҳимдир. Ўз мустақил фикри ва собит имон-эътиқодга эга эмаслиги эса эртанги кунига ишончсиз одамларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ўз эътиқодига эга бўлмаган, келажакни ёрқин тасаввур қилиб, муайян эзгу мақсад сари фаол ҳаракат қилмайдиган инсонлар яшайдиган жамиятда ўзаро ишонч,

осойишталик ва барқарорликка турли таҳдидлар бўлиши табиий. Турли носоғлом кучлар ўз манфаатларини кўзлаб бегона ва ёвуз ғояларни бу ерда яшайдиган одамлар ҳаётига, турмушига, онги ва қалбига турли йўллар билан сингдиришга, одамларга маънавий-руҳий таъсир ўтказишга ҳаракат қилади.

«Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий ғоя тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафкурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур»<sup>1</sup> деб таъкидлайди мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов.

Дарҳақиқат, инсон ва жамият ҳаёти муайян фикрлар, ғоялар ва мафкуралар билан узвий боғлиқ ғоя ва мафкура инсон ва жамият тараққиётида муҳим рол ўйнайди ва узликсиз такомиллашиб, ривожланиб, даврлар ўтиши билан ўзгариб боради. Шу сабабли инсон, жамият тараққиётида ғоя ва мафкуранинг ўрни ва таъсирини ўрганиш барча даврларда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай жамият ўзига хос ривожланиш йўлини танлар экан, олдига муайян мақсад ва вазифаларни қўяди. Зеро, бу вазифалар жамият, давлат, халқ ва миллат тараққиёти ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маърифий, таълим-тарбия ва мафкуравий жараёнларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошади.

Инсон ҳеч қачон ташқи дунёдан, ўзини қуршаб олган оламдаги ўзгаришлар, рўй бераётган ҳодисалар, воқеа жараёнлардан ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган ҳолда, уларнинг таъсирисиз яшай олмайди. Халқлар, миллатлар, ижтимоий - сиёсий кучлар фаолияти туфайли содир бўлган турли ҳодиса ва жараёнлар одамлар онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир этади.

Ҳаётда мақсади, юксак ғояси, эзгу орзу – интилишлари бўлмаган инсон ва жамият аъзолари табиий эҳтиёжлар доираси билан чегараланиб, маънавий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. 221-б. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласидаги сўз бошидан.



юксакликка эришиши қийин. Айрим ёвуз кучлар таъсир ўтказиш орқали ўз ғаразли ниятларига етиш мақсадида фойдаланишлари мумкин. Шу сабабли барча даврларда инсон ва жамият ўз мақсад муддаоларини ифода этадиган манфаатига зид бўлган зарарли ва бегона ғояларга қарши туради. Ҳар бир халқ, миллат ва жамият ўз манфаатига хизмат қилиб, унинг тараққиётини таъминлашга ёрдам берадиган муайян ғояга эҳтиёж сезади.

Бинобарин, ғоя муайян миллат ва халқнинг мақсад-муддаолари, манфаатлари замирида шаклланади ҳамда такомиллаша боради. Миллий ғоя ҳам миллат манфаатларини, халқнинг орзу-истакларини ўзида мужассамлаштиради. У ўзининг ҳаётбахш ғоялари, буюк мақсадлари билан ўз куч ғайрати, ақл-заковати ва ҳатто ҳаётини, буюк ғоялар йўлида бахш этишга тайёр комил инсонларни тарбиялашга хизмат қилади.

Инсоният тарихидан маълумки, ер юзида дастлабки одамзод пайдо бўлиб, унинг уруғ, қабила, жамоа ёки халқ сифатида шаклланиши рўй берган дастлабки даврлардаёқ уларни бирлаштириб турадиган умумий ғоя ва мафкурага эҳтиёж туғилган. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Чунки, мафкура - жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради». Дарҳақиқат, барча даврларда ҳар бир давлат, халқ, жамиятнинг ўзига хос ғояси ва мафкураси бўлган. Чунки жамиятнинг, халқнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади уни амалга оширишда жамият аҳлини бирлаштирадиган, сафарбарликка ундайдиган ғояси ва мафкураси бўлмаса у муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум бўлади.

Ғоя, мафкура жамиятнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади бўлиб, бусиз жамият ўз йўлини йўқотади. «Мақсад дегани,- деб ёзган эди И.А.Каримов, - халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса кудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган

бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, кўлимизда энгилмас бир кучга айлансин»<sup>1</sup>.

Мафкурунинг ҳаётийлиги одамларнинг, миллатнинг, жамиятнинг миллий манфаатини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши, уларнинг турмуш тарзи, дунёкараши, табиатига қанчалик мос бўлиши билан белгиланади. Ҳаёт синовларига бардош берадиган, одамларнинг эзгу мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, уларга маънавий-руҳий қувват берадиган мафқура кўпчилик қабул қилади. Фақат шундай ҳолдагина у кучли руҳий қудратга эга бўлади. Шу сабабли ҳам мафқура барча даврларда жамиятни юксак ва бунёдкор мақсадлар йўлида бирлаштириб, жамият аҳли ўртасида соғлом муносабатларни шакллантирган. Ҳамда эзгу орзулар, мақсад-муддаоларига эришишда маънавий-руҳий куч-қувват берадиган омил вазифасини бажариб келган. Шунинг учун ҳам ғоя ва мафқура барча инсонлар, халқлар, жамият ва давлат олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишда ёрдам берадиган, турли соҳада фаолият юритадиган жамият аҳлини бирлаштириб, уларни умумий мақсад сари сафарбар этадиган буюк кучдир.

Шу сабабли ҳам инсонлар, халқлар, жамият ҳаётида мафқура муҳим рол ўйнайди. Мафкурунинг ҳаётбахш кучи, аввало инсоннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини қандай тушуниши ва уни қандай ижтимоий мақомда тасаввур этишига боғлиқ. Чунки, инсонни ижтимоий ҳаракат ва фаолиятга ундаш ва шу тариқа кўзланган муайян мақсад-вазифаларга эришиш дунёдаги барча эзгу мафқураларнинг маъно-моҳиятини ташкил этади.

Шу сабабли ҳам миллий ғоянинг асосий тушунча ва принциплари тизимида инсоннинг жамиятдаги ўрни бунёдкор куч сифатида белгиланган. Истиқлолнинг бош ғояси ҳам, асосий ғоя ва тушунчалари ҳам бунёдкорлик фалсафаси билан йўғрилган. Чунки бунёдкорлик - халқимизнинг энг олижаноб фазилати. Президентимиз таъбири билан айтганда, ўзбек том

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6-бет.

маънода бунёдкордир, дўпписида сув ташиб бўлса ҳам дарахт кўкартиради. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-маданий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, эркинлаштириш жараёнлари бунёдкорлик ишларига ёрқин мисол бўлади.

Инсон ва жамият ҳаётида ғоялар ва мафкуралар хилма-хиллигининг намоён бўлиши ижтимоий-маънавий эҳтиёж ифодасидир. Жамиятда ғоя ва мафкуралар хилма-хиллигининг кузатилиши инсонларнинг табиат-жамият ходисалари, олам ва одам тўғрисидаги фикрлари турличалиги билан изоҳланади. Умумий ғоягаэътиқод қилиш туфайли турлича ижтимоий гуруҳлар шаклланади. Уларнинг мақсад-муддаолари орзу истаклари, манфаатлари бир-биридан фарқланиши мумкин. Табиийки, ижтимоий гуруҳларнинг мақсад ва манфаатларини акс эттирадиган, уларга маънавий-руҳий куч бағишлайдиган ғояларни амалга ошириш йўллари ҳам хилма-хил бўлади.

Эзгулик, яратувчилик, бунёдкорлик, ҳамкорлик, озодлик, эркинликни қарор топтиришга қаратилган фикрлар мамлакатда осойишталик, халқлар ўртасида тотувлик, барқарорликка хизмат қилади. Улар мамлакат таракқиётида муҳим ўрин тутди. Эзгулик ва яратувчиликни тарғиб қилувчи фикрлар эзгу ва бунёдкор ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Амир Темурнинг пароканда бўлган халқни бирлаштириш ва шу асосда марказлашган давлат тузиш тўғрисидаги фикрлари негизида мамлакат ободлиги, халқ осойишталигини таъминлашга йўналтирилган бунёдкорлик ғоялари пайдо бўлди. Бузғунчиликка ундовчи ёвуз фикрлар жаҳолат уруғини сепиб урушни тарғиб қилади. Бузғунчи фикрлар жамиятдаги муайян гуруҳлар, қатламларнинг онгига сингиб унинг ёвуз манфаатларини ифодалайдиган ғояга айланиши мумкин. У ҳолда жамиятда беқарорлик муҳити вужудга келиб, одамлар бошига катта кулфатлар ёғилиши мумкин.

Жамиятда фикрлар хилма-хил бўлгани ва бир-биридан фарқ қилганидек ғоялар ҳам турли туман бўлиб, моҳиятига, ўз олдига қўйган мақсади ва қайси ижтимоий гуруҳларнинг манфаатига хизмат қилишига

караб бир-биридан фарқ қилади. Ғоя билан ғоянинг бир-бирига ўхшамаслиги ва улар ўртасида фарқ бўлишини табиий жараён деб қараш керак. Қайси ижтимоий қатламнинг мақсадини ифодалаш ва кимларнинг манфаатига хизмат қилишига, қандай йўналишга эгаллигига кўра ҳам ғоялар ранг-баранг бўлиши мумкин. Лекин, ғоя ва мафкураларнинг хилма-хиллиги ва бир-биридан фарқ қилиши табиий жараён сифатида қаралиши билан бирга, уларни бир-бирига яқин муштарак томонлари, айти пайтда бир-бирига мутлақо тўғри келмайдиган жиҳатлари ҳам бўлади. Маълумки, мафкура муайян бир ижтимоий гуруҳнинг, миллатнинг, халқнинг, жамиятнинг манфаатларини ўзида мужассамлаштирган қарашлар, ғоялар тизимидир. Бу тизим ўзининг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий негизларига эга. Демак, мафкура ўз моҳияти ва вазифаси жиҳатидан ниҳоятда ранг-баранг бўлиши табиийдир. Худди жамият ҳаёти турли қатламлар, йўналишлар ва даражаларга эга бўлганидек, мафкура ҳам хилма-хил бўлиши мумкин.

Ер юзидаги барча инсонлар ўз фикр-мулоҳазаларига эга бўлиб амалий фаолият юритадилар. Шу сабабли юнон файласуфи Аристотел иккита инсон айнан бир хилда фикрламайди, уларнинг олам ҳақидаги тушунчалари, фикрлари хилма-хилдир деганда, ҳақ эди. Дарҳақиқат, дунёдаги халқлар, миллатлар, мамлакатлар ва давлатлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг диний эътиқоди, миллий маданияти, демакки менталитети мақсадлари ва тараққиёт йўллари ҳам ранг-барангдир. Табиийки, уларнинг орзу-истаклари, ҳаётий идеаллари, муддаоларини акс эттирадиган ғоялар ва уларни амалга оширишда маънавий-руҳий куч бағишловчи мафкураси ҳам хилма-хил бўлиши табиийдир. Дарҳақиқат, дунёдаги ҳар бир давлат, халқ ва миллат, жамиятнинг мақсад ва манфаатларини ифодаладиган ўзига хос ғояси ва мафкураси мавжуд.

Мафкуравий плюрализм (лот. Pluralis- илма-хиллик, ранг-баранглик) - ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, партия, гуруҳлар манфаатларини

ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайди.

Мустақил Ўзбекистон мафкура яккаҳоқимлигидан воз кечди ва миллий тараққиёти учун кенг йўл очди. Мамлакатимизда мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига алоҳида эътибор берилади. Ғоя ва мафкуралар хилма-хиллиги ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига турли халқлар, элатлар, миллатлар ва сиёсий институтларнинг манфаатларини умумий тарзда рўёбга чиқаришга имконият яратади. Шунингдек у мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимига ҳам шароит яратади. Сиёсий партиялар эса ўзлари мансуб бўлган қатламлар, сиёсий гуруҳларнинг манфаатлари, интилишлари, орзу-умидларини умумлаштирган ҳолда ўз ҳаракат дастурлари орқали намоён қилади.

Шу билан бир қаторда, тарихий тараққиётнинг маъсулиятли даврларида жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳлар, миллат ёки сиёсий йўналишларни ўзида мужассамлаштирувчи, кўпчиликка мақбул, умум томонидан маъқулладиган, жамиятнинг асосий манфаатларини ўзида муштараклаштирадиган мафкуралар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, миллий озодлик кураши мафкураси, миллий мустақиллик мафкураси ва ҳаказо. Умуммиллий ғоя жамият аъзоларининг, халқ оммасининг туб манфаатларини ва кўнглидаги орзу интилишларини ифода этгани, миллатларнинг бирдамлиги, жамиятнинг қудратини мустаҳкамлаши, фуқаролар ўртасидаги бағрикенглик муносабатларини ифода этгани сабабли одамларни улкан мақсадлар йўлида бирлаштирадиган жозиба кучига эга бўлади. Бундай ғоя жамиятда барқарорликни таъминлайди. Тарих сабоқлари шундан далолат берадики фикрини эркин ифода этадиган шахс, гуруҳ ёки ижтимоий қатлам, аввало, ўзининг аниқ-равшан, асосли қарашларига эга бўлиши, ўз нуқтаи назарининг оқибати учун маъсулиятни ўз зиммасига олиши, баҳс-мунозара маданияти талабларига амал қилиши лозим. Яъни, фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллиги муайян жамиятнинг миллий манфаатларига, умумбашарий қадриятларга, жорий қонунчилик нормаларига, ахлоқий

мезонларга зид бўлмаслиги лозим. Шу сабабли жамиятда бунёдкор-яратувчанлик ғояларини илгари сурувчи ва ҳаётга тадбиқ этувчи кучлар жамият ахли ўртасида ўз ғояларини сингдиришга уринсалар кўпчилик онгига ижобий таъсир этиб, жамиятда барқарорлик, тинчлик, осойишталик ва яратувчилик ишларига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, бу илк ўрта асрларда мамалакатимиз худудида илм-фан, дин, маданият, адабиёт, хунармандчилик ривожланиши туфайли иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий соҳаларда уйғониш содир бўлиб, кўплаб етук алломаларнинг етишиб чиқишига олиб келади. Улар ўз таълимотларида буюк ғоялар яратиб, жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Дарҳақиқат, бунёдкорлик ғоялари инсонни улуғлайди, унинг руҳига қанот бағишлайди.

Жамиятда эзгу ғоялар барча даврларда инсонни юксак орзулар билан яшашга, олижаноб мақсадлар йўлида эътиқод билан курашишга ўргатади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча соҳалардаги бунёдкорлик ишлари бунга ёрқин мисолдир. Инсон ва жамият бор экан, эзгулик ғояларининг зидди бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат янги-янги шакларда намоён бўлиши ҳам мумкин. Лекин улар инсониятнинг адолат, тенглик, тинчлик, қардошлик, ривожланиш ва фаровонлик ғояларига таяниб, юксак мақсадлар сари интилишларини тўхтата олмайди. Эзгу ва юксак ғоялар одамларни ҳамиша олижаноб мақсадлар сари етаклайверади. Бунёдкорлик ғоялари юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Улар инсоният тараққиётга эришган даврлардан буён жамият ҳаётининг энг эзгу ғоялари сифатида яшаб келмоқда.

Ҳар қандай мафкура, миллий ғоя тарихий, маданий маънавий мерос, тарихий хотира асосида шакллантирилади ва уларга суянади. «Миллий ғоя олдига қўйиладиган талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало, унинг икки суянган тоғи-таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур. Биринчи навбатда, миллий мафкурамиз халқимизнинг тарихий мероси, азалий анъаналари, удумлари, тили, дини, руҳиятига, бир суз билан айтганда, миллий

кадриятларимиз, халкимизнинг дунёкараши ва тафаккурига асосланган ҳолда замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озукланган, уларни ўзига қамраб олган тарзда Юрт тинчлиги, Ватан равнаки, Халқ манфаатлари ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор»<sup>19</sup>.

Миллий ғоянинг тарихий илдизларини билиш шунинг учун муҳимки, бу илдизларда аجدодларимизнинг буюклигини тасдиқловчи далиллар бор, келажак орзу-умидларини кўрсатувчи маълумотлар етарли, инсонни фаолликка, шу асосда янги жамият қуришга чорловчи даъватлар мавжуд. Миллий ғоянинг маънавий-тарихий илдизларини чуқур англаш инсоннинг амалий харакатига қудратли таъсир кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий ғоянинг тарихий- маънавий илдизлари маданий – маънавий меросда, тарихий онг ва тарихий хотирададир. Бу илдизларни билиш, яна бундан ташқари, миллий ғоя куртаклари турли тарихий даврларда пайдо бўла бошлаганини, мазмуни бойиб берганлигини англашга ёрдам беради. Миллий ғоя маънавиятнинг таркибий қисми эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, «албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатининг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади»<sup>20</sup>. Миллий ғоянинг озиклантирувчи илдизларини билиш ва англаш инсон маънавиятини юксалтиради. Тарихийлик ва мантиқийликни ўзида мужассамлаштирган «Юксак маънавият енгилмас куч» асарида Ислом Каримов томонидан яхлит ҳолда кўрсатилган маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар булар - айна пайтда миллий ғоянинг тарихий ва замонавий илдизлари ҳам ҳисобланади<sup>21</sup>.

Маълумки, миллий ўзликни англаш миллий ғоянинг ўзак унсури. Ўзликни англаш бу - тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким

<sup>19</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард максадимиз: 8-жилд. – Т. Ўзбекистон, 2000. 463-466 бетлар.

<sup>20</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент, «Маънавият». 2008 й. 30-бет

<sup>21</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент, «Маънавият». 2008 й. 29-64-бетлар

эканини, кимларининг вориси эканмизни англаб етиш, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос жамият барпо этишдир. «Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон»<sup>22</sup>. Демак, миллий ғоя, маънавий мерос ва тарихий хотира узвий боғлиқ бўлиб, тарихий илдизлари ҳам ягонадир. Ислом Каримов ана шундай мантиқий хулосалар чиқариб, шу соҳаларни давлат сиёсатининг устувор даражасига кўтарди, уларни ўрганиш, ҳаётга қўллашнинг дастуруламал кўрсатмаларини берди.

Миллий ғоянинг миллий мерос ва тарихий хотиранинг асоси бўлиши на фақат миллий ўзига хосликни шунингдек, миллат вакилида юксак ирода, эътиқод каби фазилатларни шаклланишида манба ролини бажаради. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек «Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон... Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди».<sup>1</sup>

Мамлакат ёшларида Ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик ва умуминсонийлик каби туйғуларни шакллантириш ҳам миллий ғоянинг муҳим тамойили ҳисобланади. Чунки, бошқа ҳар қандай ғояларга қараганда ҳам унда ўзини англаган ҳар қандай инсон қалби, юраги ва онгига таъсир этувчи нозик туйғулар мужассамлашган. Хусусан, инсон ўзини-ўзи англаб, мен кимман, менинг авлод-аждодларим ким, қайси миллатга мансубман, менинг она заминим қаерда - деган саволларни ўзига бериш ва унга жавоб топишни миллий ғоядан, унинг улкан негизларидан излайди. У саволларга бошқа биронта ғоя жавоб бера олмайди.

Миллий ғоянинг яна бир тамойили, бирининг иккинчисига ўхшамайдиган хусусиятларга эга эканлиги, ўзгаларнинг маънавий-руҳий ҳолатини айнан қабул қилаолмаслиги билан боғлиқдир. Бир миллатнинг маънавий-руҳий салоҳияти шакл ва мазмун жиҳатдан иккинчисида

<sup>22</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд, – Т., 1999. 137-бет.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. 137-б.



такрорланмаслиги уларнинг ҳар бирига ўзига хос индивидуаллик бахш этади. Ана шу индивидуаллик миллий ғояда ўз ифодасини топади. Бу ҳар бир миллатнинг мустақил субъект сифатидаги мақомини таъминлаб туради. Ўзига хос индивидуаллик миллий-маънавий тараққиёт гўзаллигини ифодалайди ва уларнинг илғор қирралари орқали умумбашарийликка дахлдор бўлган маънавий бойлик вужудга келади.

Миллий ғоянинг асосий тамойилларидан яна бири миллатнинг озодлиги, унинг мустақиллигини таъминлашда маънавий-руҳий манба бўлишидир.

Миллатнинг мустақил бўлиши, унинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имкониятига эга бўлишида миллий ғоя асосий манба бўлади. Чунки, у на фақат миллатга мустақил субъект мақомини бахш этади, шунинг билан бирга унинг мустақил тараққий қилишини зарурият ва эҳтиёжга айланишини ҳам таъминлайди.

Чинакам миллий тараққиёт ғоялари, ҳар доим ўзида адолат, тенглик, тинчлик ва демократия тамойилларини акс эттиради. Улар ҳар бир миллат учун энг зарур эҳтиёж ҳисобланади. Чунки, адолат бузилган жойда зиддият, тенгсизлик мавжуд бўлган шароитда ишончсизлик, тинчлик бўлмаган жойда парокандалик, демократия бўлмаган жойда инсоннинг эркин нафас олиши имкониятини юзага чиқариш мумкин бўлмайди.

Кўришиб турибдики, уларнинг ҳар бири миллатнинг истиқболи учун зарур бўлган омиллардир. Миллий ғоя шу маънода ҳам уларни ўзида мужассамлаштириши ҳамда миллий тараққиётнинг асосий кўрсаткичларига айланишига хизмат қилиши зарур.

Улар ҳар қандай илғор миллий ғоянинг умумбашарийликка дахлдор бўлган қирралари ҳисобланади. Улардан маҳрум бўлган миллий ғоя, чинакам умуммиллий ғоя даражасига кўтарила олмайди.

Миллий ғоя миллатнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини умуминсоний тамойилларни ўзида уйғун ҳолда акс эттириши билан арактерланади. У умуминсоний тамойилларга зид эмас, балки унинг негизиди, шаклланади.

Яъни, миллий ғоянинг тамойиллари умуминсоний тамойиллар негизда шаклланмайди, аксинча миллий тамойилларнинг илғор, барча халқлар манфаатлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган жиҳатлари ҳисобига умуминсоний тамойиллар шаклланади.

Ана шу хулосага мувофиқ миллий ғоянинг умуминсоний тамойилларини қуйидагилар ташкил қилади:

- миллий маҳдудлик, агрессив миллатчилик ва шовинизмдан холи бўлиш;
- уруш оловини ёқиш, ўзга миллатларга зулм ўтказишдан холи бўлиш, мамлакатлараро беқарорликни вужудга келтириш воситасига айланмаслик;
- адолат, тенглик, тинчлик, бунёдкорлик ва демократия ғояларини ўзида ифода эттириш;
- жаҳон халқлари яратган цивилизация ютуқларини асраш ва кейинги авлодга етказишда маънавий-руҳий омил бўлиш;
- инсониятга хавф солаётган глобал муаммоларнинг таҳдидини кенг ташвиқот қилиш ва унга қарши курашда жаҳон халқлари бирлигини вужудга келтиришга хизмат қилиш;
- диний бағрикенглик ғояларини ўзида ифодалаш;
- инсон ҳақ-ҳуқуқлари, шахс эркинлиги ва ҳур фикрлиликни ҳимоя қилиш;
- қонун устуворлигини, миллатлараро ҳамжиҳатлиликни ва сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва мустаҳкамлашга асос бўлиш;
- ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини ҳурмат қилиш, илғор тажрибаларини ўрганиш ва ўз миллати эришган ютуқларини уларга етказиш;
- вайронкор ва турли ғаразли ғояларга қарши кураш ва бунёдкор ғоялар ривожланишининг омили бўлиш кабилардир. Улар ўз мазмун ва моҳияти жиҳатдан ҳар бир миллий ғоя учун хос бўлган умуминсоний тамойиллардир.

### **Назорат саволлари:**

1. Ватанга даҳддорлик ҳисси мазмун-моҳияти
2. Миллий ғоя – Ватанга даҳддорлик ҳиссини амалга оширишнинг муҳим омили
3. Динлараро бағрикенглик ғояси ва унинг аҳамияти
4. Диний мутаассибликнинг зарарли оқибатлари
5. Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олишда илм-фаннинг ўрни
6. Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик ғояларининг кўринишлари
7. Миллий ғоя Ватанни севиш демакдир ғоясининг мазмун моҳияти
8. Мустаҳкам тинчликни ўрнатиш шарт-шароитлари ва омиллари

#### **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

##### **1-Амалий машғулот. Миллий ғоянинг шаклланиш негизлари, тарихи ва ривожланиш босқичларининг концептуал ғоявий асослари**

###### **Режа:**

1. Миллий ғоянинг жамият ривожланиши билан боғлиқлиги, шаклланиши ва ривожланиши босқичлари
2. Миллий ғоянинг негизлари, уларда халқлар мақсад-манфаатлари ва орзу-умидларини акс этиши.
3. Миллий ғоя ривожини давр ва замон ўзгаришлари билан алоқадорлиги. Илғор ғоялар ва унинг кўринишлари.

##### **2-Амалий машғулот. Мустақиллик – миллий ғоя ва Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичи**

###### **Режа:**

1. Мустақиллик – миллий ғоя ривожига янги босқич. Унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқилиши.
2. Миллий ғоя – Ўзбекистон ривожланиш концепциясининг ғоявий асоси.
3. И.Каримов Миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари тўғрисида. Миллий ғоянинг республика таълим тизимида жорий этилиши.

##### **3-амалий машғулот. Ўзбекистон ижтимоий ҳаёт соҳаси асосларининг ўзгариши ва мустабид мафкура ҳукмронлиги оқибатларини бартараф этилиши**

###### **Режа:**

1. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги ўзгаришлар. Унинг конституциявий-ҳуқуқий асоси.

2. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Якка, ҳукмрон мафкурадан воз кечилиши.

3. Миллий ғоя ижтимоий ҳаёт асослари ўзгаришининг янгича ғоявий асоси эканлиги ва унинг аҳамияти.

**4-амалий машғулот. Ўзбекистон Республикасининг янада  
ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг миллий ғоя  
мақсадлари билан муштараклиги**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларини ғоявий мазмуни ва моҳияти

2. Демократик ислоҳатларни изчил давом эттириш, эркин ва фаровон ҳаёт куришнинг ўзаро муштараклиги.

3. Ҳаракатлар стратегияси бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши. Унинг мақсадларини инсон манфаатлари устуворлиги ғояси билан ўзаро алоқадорлиги.

**5-амалий машғулот. Ватанга даҳлдорлик ҳисси. Уни диний  
бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва тинчликни мустаҳкамлашда  
миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши истиқболлари**

**Режа:**

1. Миллий ғояга эҳтиёжни ортиб бориши ва Ватанга даҳлдорлик ҳисси.

2. Ш.Мирзиёев Миллий ғоя Ватанни севиш учун кераклиги тўғрисида.

3. Мустаҳкам тинчлик учун кураш ва Ўзбекистоннинг Мудофаа доктринасининг ишлаб чиқилиши.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-кейс

Миллий ғоя халқларнинг аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган орзу-умидлари, мақсад ва манфаатларининг ифодаси эканлигини асосланг.

### 2-кейс

Миллий ғоя шаклланиши тарихи ва унинг ривожланиш босқичларини қиёсий таҳлил этинг.

### 3-кейс

Миллий ғоянинг негизлари, миллий маънавий қадриятлар ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги эканлигини илмий асосланг.

### 4-кейс

Мустақиллик миллий ғоя ривожда янги босқич эканлигини ва унинг аҳамиятини асосланг.

### 5-кейс

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон жамияти ғоявий асосларини ўзгарганлигини қиёсий таҳлил этинг.

### 6-кейс

Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаёти асосларини конституциямизга таянган ҳолда тузилмавий таҳлил этинг.

### **7-кейс**

Давлат мафкураси ва давлат ғояси тушунчаларини қиёсий изоҳланг.

### **8-кейс**

Миллий ғоянинг коммунистик ғоядан фарқини таркибий-функционал таҳлил этинг.

### **9-кейс**

Ўзбекистон жамиятида мафкуралар хилма-хиллигини сиёсий партиялар фаолиятида қандай акс этишини асосланг.

### **10-кейс**

Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларини ғоявий асосларини изоҳланг.

### **11-кейс**

Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларини ғоявий асосларини изоҳланг.

### **12-кейс**

Ҳаракатлар стратегиясида инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун ғоясини ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда таҳлил этинг.

### **13-кейс**

Миллий ғоя ва Ватанга даҳлдорлик ҳиссини шахс амалий фаолияти билан боғлиқ ҳолда асосланг.

### **14-кейс**

Динлараро бағрикенглик ва ислом динини маърифат дини эканлиги билан қиёсий таҳлил этинг.

### **15-кейс**

Миллатлараро бағрикенглик ва унга зид бўлган ғоявий кўринишларни зарарли оқибатларини кўрсатинг.

### **16-кейс**

Тинчлик учун кураш ва Ўзбекистонни мудофаа доктринасининг асосий принципларини аҳамиятини асосланг.



## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Миллий ғоянинг тарихий негизлари ва манбалари
2. Миллий ғоянинг шаклланишида халқ оғзаки ижоди
3. “Авесто” миллий ғояни ўрганишда муҳим манба
4. “Эзгу сўз, эзгу фикр ва эзгу ғоя”нинг мазмуни ва моҳияти
5. Миллий ғоянинг шаклланишида Ватанпарварлик ғоясини кўринишлари
6. Халқ оғзаки ижодида инсонпарварлик ғояси
7. Миллий ғояни аждодлар ва авлодлар орзу-умидлари билан боғлиқлиги
8. А.Навоийнинг миллий ғоя шаклланишида ва ривожда ўрни
9. Амир Темурнинг адолат ғояси
10. Миллий ғоя шаклланиши ва ривожда миллий маънавий мероснинг ўрни
11. Миллий ғоя ривожда миллий ва умуминсоний қадриятлар муносабати
12. Жамият ривожда инсонпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари
13. И.А.Каримов миллий ғоя тўғрисида
14. Мустақиллик ва миллий ғоя ривож босқичлари
15. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллари
16. Миллий ғоя ва демократия
17. Мафкуралар хилма-хиллиги ва миллий ғоя
18. Миллий ғоя ривожда анъанавийлик ва замонавийлик муносабати
19. Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат қуришининг ғоявий асослари
20. Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя
21. Миллий ғоя ва қонун устуворлиги
22. Миллий ғояда инсон манфаатлари устуворлиги
23. Миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси
24. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор вазифаларини ғоявий асоси
25. Миллий ғоянинг жамият мафкураси эканлиги
26. Миллий ғоянинг ривожланиш истиқболлари
27. Миллий ғоя, янги инновацион ғоялар ва технологиялар

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Ғоя</b>	ижтимоий мазмун, моҳиятга, мақсадга йўналган фикрлар мажмуи.	
<b>Миллий ғоя</b>	Ўзбекистоннинг ривожланиш концепцияси, мафкуравий жараёнларни тартибга солувчи, ташкил этувчи, йўналтирувчи ва бирлаштирувчи жамият мафкураси.	
<b>Миллий истиқлол ғояси</b>	халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган маънавий омилдир.	
<b>Мафкура</b>	кўпчиликни ишонч ва эътиқодига, амалий фаолиятига кўчган ғоялар тизими.	
<b>Мафкуравий жараёнлар</b>	турли-хил мафкуралар (ғояларни) тизим сифатида жамиятдаги турли-хил ижтимоий ва сиёсий институтлар, шахс, жамият, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатини намоён бўлиши.	
<b>Миллий мафкура</b>	миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва риожланишини, эркин ва озод тараққиётини ғоявий асослаш, таъминлашга қаратилган қарашлар тизими.	
<b>Тизимли таҳлил</b>	Мафкуравий жараёнларни ташкил этувчи ғоялар, мақсадларни белгиловчи омилларни ҳамда шарт-шароит ва йўналишларни изчил, кетма-кетликда аниқлаш ва қўллаш усули ҳамда методологияси.	
<b>Демократия</b>	(юнонча халқ ҳокимияти) – халқ ҳокимияти, фуқароларнинг	

	озодлиги ва тенглиги тамайилларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли.	
<b>Миллий қадриятлар</b>	миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакллари.	
<b>Умуминсоний қадриятлар</b>	барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маънавий ҳодисалар, мезонлар, қадрли жиҳатларнинг усутувор бўлишига таянган ғоялар мажмуи.	
<b>Фуқаролик жамияти</b>	иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунча.	
<b>Миллий, маънавий ва маърифий ғоялар</b>	асрлардан бери авлоддан авлодга ўтиб келаётган илғор миллий, маънавий ва маърифий қарашлар, ғояларнинг йиғиндисидир	
<b>Ижтимоий-сиёсий ғоялар</b>	миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий ва сиёсий соҳада қўлга киритган, шу пайтгача ҳаёт амалиётида ўзини оқлаган ижтимоий ва сиёсий қарашлар мажмуидир.	
<b>Фалсафий ва ахлоқий ғоялар</b>	инсониятнинг, асосан Шарқ халқлари, назаркардаларининг асрлар давомидаги илғор фалсафий ва ахлоқий қарашлари, таълимотлари йиғиндисидан иборатдир.	
<b>Диний ва дахрийлик ғоялари</b>	кишиларнинг ижтимоий ходиса сифатида юзага келган даврлардан бошлаб, шу кунгача сақланиб қолган қарашлар мажмуини, динга хурфикрлилик руҳиятида ёндошишни ташкил этади.	
<b>Илмий ғоялар</b>	фан ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли олиб борилган кузатишлар, экспериментлар, таҳлиллар,	

	инсон билими, тафаккури салоҳиятида яратилган, кашф этилган ғоялардир.	
<b>Бадий ғоялар</b>	жамиятда мавжуд адабий, бадий асарлар, театр ва санъат асарларини ўрганиш, уларнинг мазмун ва моҳиятини чақиш орқали шаклланиб, инсон ва жамиятнинг тараққиётини янги босқичга кўтаришга, уларнинг маданияти, маънавияти ва маърифати даражаларини ўстиришга инсон руҳиятини янада мукамал қилишга хизмат этувчи ғоялардир	
<b>Бунёдкорлик ва яратувчилик ғоялари</b>	инсониятни эзгулик, яхшилик сари чорлаб, юртни, Ватанни озод ва обод қилиш, жамият халқининг тўқ ва тўкин турмушини таъминлаш, инсониятни ижтимоий тараққиётининг паст поғонасидан юқорисига кўтарилишини, кишиларда ташаббус, яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига йўлловчи ғоядир.	
<b>Вайронкорлик ва тажовузкорлик ғоялари</b>	инсониятни карамлик, қулликда сақлаш, халқларни бир-бирига қарши қўйиб, улар орасида миллатчилик кайфиятларини шакллантириб, биродаркуш урушлар уюштириб, уруш ва миллий можаролар бўлиб туришидан манфаатдорликни ёқловчи ғоядир.	
<b>Диний ақидапарастлик</b>	диннинг бир ақидаси, асоси ёки коидасини рўқач қилиб олиб, мутаассибларча фаолият кўрсатишни тарғиб этади.	
<b>Мафкуравий плюрализм</b>	(лот. pluralis – хилма-хиллик, ранг-баранглик) – ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, партия, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва	

	фикрлар хилма-хиллигини ифодалайдиган тушунча.	
<b>Мафкуравий бўшлиқ</b>	жамият, давлат ва меҳнат жамоаларида вужудга келган вазият, ижтимоий муҳит тарбиявий-мафкуравий ишларнинг заифлашиб қолиши.	
<b>Мафкуравий беқарорлик</b>	кишилиқ жамиятига хос муайян хусусиятлардан бири; мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмагани, доимий бўлмагани, муқим бўлмагани каби маъноларни англатади.	
<b>Мафкуравий вазият</b>	муайян минтақа ёхуд мамлакат ҳаётида мафкураларнинг ўрни ва мавқеи, улар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ жараён ва шарт-шароитлар мажмуи.	
<b>Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви</b>	ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақаларида мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча.	
<b>Мафкуравий тизим</b>	мафкуравий ишларни бошқариш, жамиятнинг турли ижтимоий институтлари: оила, мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари, жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий уюшмалар тарбиявий имкониятларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, уларни ягона мақсад томон йўналтириш омиллари ва воситалари, услублари яхлит бир бутун уюшмаси.	
<b>Дунёнинг мафкуравий манзараси</b>	жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муносабати	

	билан боғлиқ ҳолат, хусусият ва фаолиятларни яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча.	
<b>Соғлом мафкура</b>	умуминсонийликнинг устуворлиги таъминловчи таянадиган, ижтимоий тараққиётни таъминловчи эзгу ва бунёдкор ғоялар тизимига асосланган мафкура шакли..	

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

### 1. Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. -Т.:“Ўзбекистон”, 1996-2016.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:“Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2015
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
7. Каримов И.А. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.
8. Каримов И.А. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир. –Т.:”Ўзбекистон”, 2016.
9. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил 9 сентябрь. 179 – сон.
10. Ш.Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2016 йил 8 декабрь. 243-сон.

11. Ш. Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон. – 2017.

## **2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Т.:“Ўзбекистон”, 2014.

2. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. –Б. 20-29.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997. –Б. 30-52.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони. 1997 йил 6 октябрь. / «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». –Т.:«Шарқ», 1998.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи. 2006 йил 26 август.

6. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича ўқув дастурини тайёрлаш ва таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги Фармойиши.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.



9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

11. Ш. Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

### **3. Асосий адабиётлар:**

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. —Т.: Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1993.

2. Амир Темура. Темура тузуқлари. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.

3. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. -Т.: “Маънавият”, 2001.

4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т: “Ўзбекистон”, 2000.

5. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик (масъул муҳаррир И.Эргашев), Тошкент, “Академия”, 2005 йил.

6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: “Академия”, 2007.

7. Миллий ғоя: назарий манбалар (Хрестоматия). – Т.: “Академия”, 2007.

8. Миллий ғоя-илмий тадқиқотларнинг назарий-методологик асоси-илмий тўплам. 1-китоб. «Ҳаёт нашрети» Андижон-2008 й.

9. Эргашев И. ва б. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: MASHHUR-PRESS. 2016. – 176-б.

10.Отамуротов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.

11.Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: “Ўзбекистон”, 2004.

12.Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.:“Мухаррир” 2009.

13.Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси: -Т.: Ижод дунёси нашриёт уйи, 2002.

14.Тўраев Ш. Маънавий таҳдидлар: фалсафий таҳлил. –Т.:“Мухаррир”, 2010.

15.Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2008. Б-96

16.Тўраев Ш. ва б. Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларнинг ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари. – Т.: “Turon zamin ziyo”. 2016. Б-96.

#### **4. Хорижий адабиётлар**

1. Антонов А.В. Системный анализ. – М.2002.

2. Бендерская Е.Н., Колесников Д.Н., Пахомова В.И. и др. Системный анализ и принятие решений // Учебное пособие. - СПб.: СПб ГТУ, 2001. – 206 с.

3. Новосельцев В.И. Системный анализ: современные концепции. – Воронеж: «Кварта», 2002.

4. Системный анализ и принятий решений // Словарь справоочник. – М.Высшая школа, 2004.

5. Системный подход: анализ и прогнозирование международных отношений (опыт прикладных исследований) // Под. ред. И.Г.Тюлина. – М., 1991.

#### **5. Интернет сайтлар**

1. [www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)

2. [www. Ziyonet.uz](http://www. Ziyonet.uz)

3. [www. Edu.uz](http://www.Edu.uz)
4. [www. Ma'naviyat.uz](http://www.Ma'naviyat.uz)
5. [www. Bilim.uz](http://www.Bilim.uz)
6. [www. Fikr.uz](http://www.Fikr.uz)
7. [www. Uza.uz](http://www.Uza.uz)
8. [www. Senat.uz](http://www.Senat.uz)
9. [www. Nauka.uz](http://www.Nauka.uz)
10. [www. Faylasuf.uz](http://www.Faylasuf.uz)
11. [www. Muloqot.uz](http://www.Muloqot.uz)
12. [www. Xabardor.uz](http://www.Xabardor.uz)
13. [www. Huquqburch.uz](http://www.Huquqburch.uz)